

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ХОЛИДА ЗИКРИЛЛАЕВНА

**ДАРИЙ ТИЛИДА СЎЗ ЯСАЛИШИНИНГ ИЧКИ ЛИНГВИСТИК
УСУЛЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 811.222.1
КБК: 81.2 (5)
А - 49

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)
on Philological Sciences**

Алимова Холида Зикриллаевна

Дарий тилида сўз ясалишининг ички лингвистик усуллари..... 3

Алимова Холида Зикриллаевна

Внутрилингвистические аспекты словообразования
в языке дари 33

Alimova Kholida Zikrillayevna

Intralinguistic aspects of word formation in Dari language..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 70

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ХОЛИДА ЗИКРИЛЛАЕВНА

**ДАРИЙ ТИЛИДА СЎЗ ЯСАЛИШИНING ИЧКИ ЛИНГВИСТИК
УСУЛЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil33 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қуронбеков Аҳмадкул
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Ҳамроев Жумакул
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.

(2019 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

А.Э. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг луғавий таркиби ривожига икки асосий манба – тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги сўзлар яшаш ҳамда ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш масалаларини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳар иккала ҳолат маълум эҳтиёж, зарурият туфайли амалга ошади ва у мураккаб жараён бўлиб, унда турли лингвистик ва экстралингвистик омиллар амал қилади. Шу сабабли янги сўз ҳосил қилишнинг ҳар бир жабҳаси тил тизимининг мураккаб хусусиятларидан саналади.

Дунё тилшунослигида дарий тили форс ва тожик тилларидан фарқли ўлароқ кенг тадқиқ этилмаган¹. Эроншуносликда бу тилнинг илмий тавсифида унинг асосан ҳозирги форс тилидан фарқли жиҳатлари қайд қилинади. Дарий тили сўз ясалиши соҳасида, одатда, сўз туркумларидаги аффиксал сўз ясалиши масаласи ёритилади. Ўтган йиллар давомида дарий тили ҳар томонлама ривожланди, унинг барча соҳаларида, давр талабига мос равишда, жиддий ўзгаришлар юз берди. Дарий тилининг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш йўллари тадқиқ этиш, бу жараёнда амал қиладиган қонуниятлар, сабаб ва имкониятлар, сўз ясалишидаги тамойилларни белгилаш долзарб ҳисобланади. Бу эса бевосита дарий тилининг ўз материаллари асосида махсус тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Бугунга қадар ўзбек тилшунослигида дарий тили бўйича муайян илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да², айтиш мумкин тил сўз ясалишига доир фундаментал тадқиқотларнинг йўқлиги, бу мавзунинг монографик планда ўрганиш, дарий ва форс тиллари сўз ясалиши тизимидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни чегаралаш зарурати тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»³ масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши тилшунослик соҳасидаги илмий изланишларни ҳам янги босқичга олиб чиқди. Бу борада генетик жиҳатдан қариндош тиллар доирасида ҳозирги дарий тили лексикасининг ривожланиш тамойилларини аниқлаш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

¹ Форс, дарий ва тожик, шунингдек, «хинд форсийси» бир тилнинг территориал вариантлари деб қаралиб, буларни биргаликда тавсифлаш анъанаси мавжуд. Бу ҳақда қarang: Островский Б.Я. Модальные глаголы языка дари. – М.: Ключ-С, 2008. – С. 6.

² Уралов Х.У. Научно-техническая терминология современного языка дари. – Ташкент: Фан, 1990. – 102 с.; Алимова Х. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – 138 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. – № 28 (6722).

тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Дарий тилида сўз ясалиши тадқиқига оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Georgetown University (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Delhi University (Ҳиндистон), Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Институт востоковедения РАН, Санкт-Петербургский государственный университет, Военный университет Министерства обороны РФ (Россия), Донишгоҳи миллии Тоҷикистон, Донишгоҳи Славянии Россия ва Тоҷикистон (Тоҷикистон), پوهنتون کابل (Афғонистон), دانشگاه تهران (Эрон), Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дарий тилида сўз ясалишига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: дарий тилидаги айрим сўз ясовчиларнинг форс ва тожик тилларидан фарқи асосланган (Институт востоковедения РАН, Донишгоҳи миллии Тоҷикистон), дарий тили термин ясалишида сўз ўзлаштириш манбалари, дарий, форс ва тожик тиллари техника терминологиясидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар исботланган (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Донишгоҳи миллии Тоҷикистон), дарий тили луғат таркибидаги ўзлашмалар ва адаптация масалалари илмий-техник, ҳарбий ва ҳарбий-техник терминлар мисолида далилланган (Военный университет Министерства обороны РФ), дарий тили сўз туркумларида сўз ясовчиларнинг категориал маъноси очиқ берилган (پوهنتون کابل), ҳозирги форс тилида сўз ясовчи суффиксларнинг маҳсулли / маҳсулсизлиги асосланган

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.dissercat.com>, <http://www.persianlanguageonline.com>, <http://www.cyberlinka.com>, <http://www.lonweb.org>>link-persian, <https://afghan-institute.org>, <http://www.eunpack.eu/about-us/participants/afghanistan-research-and-evaluation-unit-areu>, <http://scopus.com>, <http://www.sciencedirect.com>pii>pdf>, <http://www.linguistics-journal.com>a-c>, <http://searchworks.stanford.edu>view>, <http://diss.rsl.ru>, www.persianacademy.ir ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

(دانشگاه تهران), дарий тили соматизмлари ясашида яримаффиксация, композиция, лексикализация усулларининг сермахсуллиги ва ясалма бирликлардаги семантик силжиш исботланган (Тошкент давлат шарқшунослик институти).

Бугунга келиб, жаҳон тилшунослигида сўз ясаши бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: *fārsi-ye darī*даги манбалар асосида илмий терминологиянинг юзага келиши ва тақомилини дарий, форс ва тожик тилларининг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари билан боғлаб тадқиқ этиш; дарий, форс ва тожик тиллари сўз ясаши тизимидаги умумийлик ва фарқларни аниқлаш; дарий, форс ва тожик тилларида техник терминларнинг шаклланиши ва ясашини қиёсий ўрганиш; дарий тили сўз ясашида ўзлашмаларнинг ўрнини илмий далиллаш; Эрон форс тили ва адабиёти Академияси фаолиятининг дарий ва тожик терминологиясига таъсирини асослаш; дарий тили изоҳли луғатларини тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарий тили⁵ (*dar(r)i*, илмий адабиётларда, шунингдек, «форсий»⁶, «форси-йе кобулий»⁷, «*Kābulī Persian*»⁸ терминлари ҳам мавжуд) ҳозирги форс ва тожик тиллари билан қурилиши жиҳатидан қариндош – буларнинг генезиси ва тарихий тараққиётининг муҳим босқичлари ўзаро мос келади, ёзма манбалари эса умумийдир⁹. Ўтган асрнинг 30-50- йилларида бир қатор ишларда дарий тилининг форс тилидан фарқли ва тожик тили билан ўхшаш жиҳатлари биринчи марта қайд қилинди¹⁰. Афғонистонда дарий тили лексикасини тадқиқ этиш 60- йиллардан бошланди. Унга қадар дарий ва форс тиллари миллий тил вариантлари сифатида қаралиб, улар ўртасидаги тафовут афғон муаллифларнинг «саводсизлиги» оқибати деб баҳоланган¹¹. Ўтмишда Афғонистон таълим тизимида Эронда чоп қилинган грамматика ва дарсликлардан фойдаланилган. 1965 йилга келиб, Муҳаммад Раҳим Илҳом томонидан тайёрланган «مقدمه یی بر دستور زبان» («Грамматикага кириш»)¹² ва «فونیم شناسی دری» («Дарий тили фонемикаси»)¹³ асарлари дарий тилининг ўз материалларига асосланган мўътабар илмий ишлардан саналади. 1969 йилда Муҳаммад Насим Негҳат Саидийнинг «دستور معاصر زبان دری» («Ҳозирги дарий

⁵ *Дарий тили ҳақида батафсил маълумот*: Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 3-11; Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 10-20; Мошкало В.В. Дари язык // Языки мира. Иранские языки. I. Юго-западные иранские языки. – М.: Индрик, 1997. – С.121-123; Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. – М.: Гуманитарий, 2004. – С. 3-8.

⁶ Фарҳади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 4.

⁷ Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – С. 6; Эдельман Д.И. Категории времени и вида. Категория наклонения // Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Том 2. – М., 1975. – С. 337.

⁸ Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-2.

⁹ Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 10.

¹⁰ Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-123; Lazard Gilbert. Caractères distinctifs de la langue tadjik. – BSL, t. 52, fascic I. – Paris, 1956. – P. 117-186; Дорофеева Л.Н. О языке фарси Афганистана // Краткие сообщения ИВ АН СССР. Т.33. – М., 1959. – С. 114-127.

¹¹ Farhādī Abd-ol-Ghāfur. Le Person parlé en Afghanistan Grammaire du Kabōli, accompagnée d'un recueil de quatrains populaires de la region de Kabōl. – Paris, 1955. – P. 5.

¹² الهام محمد رحيم. مقدمه یی بر دستور زبان. – کابل، ۱۳۴۴. – ۷۳ ص.

¹³ الهام محمد رحيم. فونیم شناسی دری. – کابل، ۱۳۴۴. – ۷۳ ص.

тили грамматикаси»)¹⁴ асари дарий тилини нафақат Афғонистон, балки хорижда ўрганишда ҳам илк муҳим босқични бошлаб берди. Асарда тадқиқот объекти сифатида классик тил материаллари ўрнига ҳозирги дарий тилининг адабий ёзма ва оғзаки шакли танланиб, мисоллар дарий тилидаги замонавий наср, афғон матбуоти ва радио материалларидан олинган. Тилга бундай янгича реалистик ёндашув афғон тилшунослигида кескин бурилиш ясади. М.Н. Негҳат Саидийнинг асари дарий тили грамматик қурилишининг бир қатор аспектлари, жумладан, синтаксис, феъл шакллари, сўз ясалиши системасини қамраб олган.

XX асрнинг 60-90- йилларида Россияда дарий (кобулий) тилини назарий планда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Булар Л.Н. Дорофеева (Киселева)нинг монография ва илмий мақолалари¹⁵, Б.Я. Островскийнинг кобулий фонологияси ва морфологияси¹⁶, Т.Н. Пахалинанинг кобулийдаги унлилар системаси¹⁷, К.И. Поляковнинг дарий тили фонетикаси¹⁸, А.Ф. Барышниковнинг дарий тили лексикологияси ва фразеологияси¹⁹, В.И. Миколайчикнинг дарий тили грамматик қурилишига доир тадқиқотларидан²⁰ иборат.

Собиқ Иттифоқ даврида дарий тилида сўз ўзлаштириш орқали термин ясалиши Х. Хашимбеков²¹, дарий тили луғат таркибининг бойиш йўллари, терминологиянинг шаклланиши, сўз ўзлаштириш қонуниятлари ўзбекистонлик олимлар Х.У. Уралов²², А.З. Шакиров²³нинг ишларида тадқиқ қилинган. Шунингдек, Афғонистондаги ҳазора лаҳжаси хусусиятлари В.А. Ефимов²⁴, Жабал ус-Сироҷ шеваси У. Обидов²⁵ томонидан ўрганилган.

¹⁴ محمد نسيم نځهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. — کابل، ۱۹۶۹. — ۲۵۶ ص.

¹⁵ Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. — М.: Изд-во восточной литературы, 1960. — 84 с.; Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. — М.: Наука, 1973. — 152 с.; Основные черты развития языка дари в современном Афганистане. — М., 1975; К вопросу о двуязычии пашто-дари в Афганистане // Народы Азии и Африки. — М., 1982, № 6; Язык дари Афганистана. — М.: Наука, 1985. — 128 с.

¹⁶ Островский Б.Я. Вопросы морфонологической системы разговорного языка кабули (чередование и дистрибуция алломорф): Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1969; Некоторые фонологические особенности разговорного кабули // Народы Азии и Африки. — М., 1969, № 5; О месте ударения в именах существительных кабульского диалекта // Индийская и иранская филология. Вопросы лексики. — М., 1971; Основы настоящего времени в составе личных глагольных форм кабульского диалекта // Индийская и иранская филология. Вопросы грамматики. — М., 1976; Грамматические значения личных форм глагола дари — М.: Изд-во МГУ, 1991. — 113 с.

¹⁷ Пахалина Т.Н. К вопросу о вокализме фарси-кабули. — 26-Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. — М., 1963. — С. 21-27; К характеристике кабульского просторечия // Индийская и иранская филология. Вопросы диалектологии. — М., 1964. — С. 30-58.

¹⁸ Поляков К.И. Теоретическая фонетика языка дари. Курс лекций. — М., 1988.

¹⁹ Барышников А.Ф. Лексикология и фразеология языка дари. Курс лекций. — М.: ВУ, 1997.

²⁰ Миколайчик В.И. Имперфект и претерит в системе глагольных форм прошедшего времени современного языка дари: Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1974; Основные особенности языка дари по сравнению с современным персидским языком. — М.: ВУ, 2002; Функционально-семантические категории аспектуальности и темпоральности (на материале языка дари): Дис. ... докт.филол.наук. — М., 2002.

²¹ Хашимбеков Х. Актуальные вопросы терминологии языка дари (проблема усвоения заимствований): Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1967.

²² Уралов Х.У. Техническая терминология современного языка дари и таджикского языка (сопоставительный анализ): Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1974.

²³ Шакиров А.З. Лексикостатистический анализ модернизации языка дари в журнале «Жвандун»: Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1975.

²⁴ Ефимов В.А. Язык афганских хазара (якаулангский диалект). — М.: Наука, 1965. — 99 с.

²⁵ Обидов У. Говор Джабаль ус-Сираджа (Северный Афганистан): Дис. ... канд.филол.наук. — М., 1974.

Дарий тилида сўз ясалиши бўйича алоҳида иш йўқ. Бироқ Л.Н. Киселева, Р. Фарҳодий ва М.Н. Негҳат Саидийнинг²⁶ монографияларида сўз ясалишига оид маълумотлар бор. Л.Н. Киселева (Дорофеева) ва Р. Фарҳодий томонидан деярли ярим аср муқаддам ёзилган ишларни мазкур соҳадаги муҳим назарий тадқиқотлар, дейиш мумкин. Хусусан, Л.Н. Киселеванинг монографиясида дарий тили лексикаси форс ва тожик тиллари сўз бойлиги билан қиёсий ўрганилган ва сўз ясалишига оид мулоҳазалар келтирилган²⁷. Р. Фарҳодий кобулий лаҳжасида исмий сўз ясалиши²⁸, М.Н. Негҳат Саидий дарий тили сўз туркумларида сўз ясовчи аффиксларни ёритган²⁹.

Х.У. Уралов³⁰, шунингдек, кейинги йилларда В.В. Белокоњ³¹ томонидан ҳозирги дарий тили луғат таркибидаги ўзлашмалар илмий-техник, ҳарбий ва ҳарбий-техник терминлар мисолида ўрганилган.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда дарий тили сўз ясалиши монографик планда таҳлил қилинмаган. Дарий адабий тили лексикасининг тараққиёти, ундаги қонуниятлар, содир бўлган лингвистик ва экстралингвистик омиллар каби масалалар монографик тадқиқотнинг объекти бўлмаган. Бу муаммоларни тизимли ўрганиш, мавжуд бўшлиқни муайян даражада бартараф этиш биз танлаган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» ҳамда «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари» мавзусидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дарий тили от ва сифат туркумларидаги сўз ясалиши системасини тадқиқ этиш, сўз ясалишидаги имкониятлар, имкониятдаги чекланишларни аниқ белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

дарий тили лексикасининг бойишида ички манбалар асосида сўз ясалиши ва муаммолар сабабини асослаш;

²⁶ Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – С. 22-32; Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 104-130; Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 45-50; Farhâdi Abd-ol-Ghâfur. Le Person parlé en Afghanistan Grammaire du Kabôli, accompagnée d'un recueil de quatrains populaires de la region de Kabôl. – Paris, 1955; Фарҳади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 150-187; محمد نسيم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل: انتشارات امیری، ۱۳۹۲. – ص. ۹۴-۱۷۲.

²⁷ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 104-130.

²⁸ Фарҳади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 150-187.

²⁹ محمد نسيم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، ۱۳۹۲. – ص. ۱۴۹-۱۵۹.

³⁰ Уралов Х.У. Научно-техническая терминология современного языка дари. – Ташкент: Фан, 1990. – 104 с.

³¹ Белокоњ В.В. Иноязычные заимствования в лексическом составе современного литературного языка дари [Электронный ресурс]: В сопоставлении с персидским и другими близкородственными языками: Дис. ... канд.филол.наук. – М.: РГБ, 2006. – 203 с.

дарий тили аффиксал ва яримаффиксал сўз ясалишида маҳсулли* сўз ясовчиларни аниқлаш;

от ва сифат ясалишида маҳсулли / маҳсулсизлик ҳамда сўз яшаш имкониятларини белгилаш;

дарий тилидаги шаклий тенг аффиксларнинг омонимик қаторларини белгилаш, омонимик уялар рўйхатини тузиш;

дарий тили сўз ясалиши системасида транспозиция ҳодисасининг ўрнини кўрсатиш;

маҳсулли сўз ясалиш типлари асосида дарий тили сўз ясалиши системасидаги ўзгариш ва тараққиётни очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти ҳозирги дарий адабий тили лексикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги дарий тилида от ва сифат туркумларидаги сўз ясалиши системаси, сўз ясовчи воситаларнинг қўлами ва маҳсулдорлиги ташкил этади.

Тадқиқотга манба сифатида 1990-2019 йиллар замонавий дарий насри ва публицистикаси, жумладан, «انيس» *Anis*, «هيواد» *Hêwâd*, «عصر نو» *Asr-e naw*^{*} газеталари материалларидан танланган мисоллар картотекасидан фойдаланилди. Баъзи ўринларда муайян сўз ясовчи воситанинг имкониятларини белгилаш учун 60-70- йиллар материалларига ҳам мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тўпланган материалларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий, систем-структур ва компонент таҳлил методлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

дарий тили лексикасининг ички имкониятлар асосидаги ривожда аффиксал ва яримаффиксал сўз ясалиши ҳамда сўз ясовчи транспозициянинг ўрни асосланган;

от ва сифат ясалишидаги маҳсулли / маҳсулсизлик, сермахсул / каммахсулликнинг сабаб ва қонуниятлари сўз ясалиши имконияти билан боғлиқлиги исботланган;

дарий тилидаги маҳсулдор ясовчи воситалар орасида феълий яримаффиксларнинг фаоллашуви тилда аниқликка интилиш ва тил воситаларини иқтисод қилиш талаби билан юзага келгани далилланган;

шаклий тенг аффиксларнинг 15 та омокатори аниқланган ва дарий тилида омонимик муносабат иккитадан бештагача морфема ўртасида бўлиши асосланган;

отлашган феъл шакллариининг маҳсулдорлик даражаси аниқланган ҳамда отлашув жараёнида феълларнинг ўтган замон негизи ва *-enda* суффиксли ҳозирги замон сифатдошларининг сермахсуллиги далилланган;

* Сўз ясалишига оид асосий тушунчалар, уларни билдирувчи терминлар А. Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002), «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» (Тошкент: “O‘qituvchi” NMIU, 2007) қўлланмаси ва «Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари» (Тошкент: Фан, 2010) монографиясидаги назарий қарашлар асосида шакллантирилган.

дарий тили от ва сифат ясалиши системасида گر -*gar*, کار -*kâr*, والا -*wâlâ*, گک / گک -*ak/-gak*, وی -*wî* ясовчилари билан боғлиқ форс тилидан фарқли ва چی -*či*, ش -*eš*, نده -*enda*, ی -*i* (یای نسبت) ясовчиларининг хусусиятлари, транспозициянинг *феъл* → *от*, *сифатдош* → *от* моделлари билан ўхшаш жиҳатлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳозирги дарий тилида от ва сифат ясалишида маҳсулли / маҳсулсизлик ҳамда сўз ясалиш имкониятлари белгиланди;

дарий ва форс тилларидаги сўз ясовчи воситаларнинг ўзаро ўхшаш-фарқли жиҳатлари ва уларнинг сабаблари асослаб берилди;

дарий тили лексикасининг ички имкониятлар асосидаги ривожда Афғонистондаги этнолингвистик вазиятнинг таъсири далилланди;

дарий тили сўз ясалишидаги тамойиллар ёритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган таянч тушунчалар асосида фундаментал илмий ва методологик, махсус адабиётларга таянилгани, ашёвий тил материали, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари, илмий тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дарий тилининг муайян сўз туркумидаги сўз ясалиши системасига оид мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини белгилашда, дарий ва форс тилларидаги сўз ясовчи воситаларнинг ўзаро ўхшаш-фарқли жиҳатлари сабабларини асослашда, дарий тили лексикасининг ички имкониятлар асосидаги ривожда мамлакатдаги этнолингвистик вазият ва тил сиёсатининг таъсирини ёритишда, дарий тили сўз ясалишидаги тамойилларни ўрганишда қимматли далилларни бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан «Дарий тили лексикологияси», «Дарий тилида сўз ясалиши», «Дарий ва ўзбек тилларининг чоғиштира грамматикаси», «Мутахассисликнинг назарий масалалари» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дарий тилида сўз ясалишининг ички лингвистик усуллари ва йўналишларининг тадқиқоти юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

Афғонистондаги тил вазияти ва сиёсати, эроний тилларда сўз ясалиши ҳамда дарий тилида қўшма сўзларнинг ясалиши бўйича олинган натижалардан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 августдаги 89-03-3157-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши ўрта асрларда Марказий Осиё, Шимолий

Афғонистон ва Эрон заминида тил вазияти ва билингвизм масалаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

дарий адабий тили лексикасининг тараққиёти, лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бир қатор илмий-амалий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Афғонистон Ислом Республикаси элчихонасининг 2019 йил 24 майдаги маълумотномаси). Олинган натижалар ҳозирги дарий тили сўз ясалиши соҳасидаги форс тилидан фарқли жиҳатларни ёритишга асос бўлган;

аффиксал сўз ясалиши тадқиқига доир илмий-назарий натижалардан ОТ-1-36 рақамли «Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonлари асосида частотали луғатлар тузиш» грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 августдаги 89-03-3157-сон маълумотномаси). Олинган натижалар «Хамса» дostonлари санама сўзлигини яратишнинг назарий асосларини далиллашда дарий тилидаги туркий сўз ясовчиларнинг ўрнини белгилашга хизмат қилган;

дарий ва форс тиллари сўз ясалиши системасидаги сўз ясовчи воситаларнинг ўзаро ўхшаш-фарқли жиҳатлари ва буларнинг сабаблари тадқиқи билан боғлиқ таҳлил натижаларидан Ўзбекистондаги Эрон маданият маркази илмий тадбирларида фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Ислом Республикаси элчихонасининг 2019 йил 25 апрелдаги маълумотномаси). Олинган натижалар сўз ясовчи воситаларнинг бу тиллар тарихидаги ривожланиш тамойилларини белгилаш имконини берган;

дарий тили луғат таркибининг бойишида Афғонистондаги этнолингвистик вазиятнинг таъсири ҳақидаги таҳлилий фикр ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ўтказилган илмий семинарларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 03-08-822-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Афғонистондаги этнолингвистик хилма-хилликнинг адабий-маданий мероснинг бойишидаги ўрнини ёритишга хизмат қилган;

Эрон тилшунослигида қўшма сўзлар ва уларнинг таснифи билан боғлиқ таҳлил натижалари ва материаллардан Ўзбекистондаги Эрон маданият марказида маданий ва илмий алоқалар доирасида ташкил этилган илмий тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги Эрон Ислом Республикаси элчихонасининг 2019 йил 25 апрелдаги маълумотномаси). Диссертацияда ишлаб чиқилган қўшма сўзни белгилаш мезони форс-дарий тилларида сўз ва сўз бирикмасини чегаралаш қондасини яратишга асос бўлган;

дарий тилининг кейинги йиллардаги лексик тараққиёти таҳлилидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканалининг «Ассалом, Ўзбекистон!» ва «Fikr.uz» кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston»

телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 4 сентябрдаги 02-13-1796-сон маълумотномаси). Натижада Афғонистондаги тиллар, мамлакатдаги тил вазияти ва сиёсати, дарий тили лексикасидаги ўзгаришлар ва янги тамойиллар ҳақидаги маълумотлар кўрсатувлар таъсирчанлиги ва халқчиллигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш: 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 224 бетни ташкил қилади.

Транскрипция ҳақида. Дарий тили араб алифбосига асосланган ёзув системасига эга. Диссертациядаги мисоллар асл ёзуви ва дарий тилига оид тадқиқотларда фойдаланиладиган лотин алифбосидаги фонологик транскрипция³² асосида берилди. Қиёсий таҳлилда форсча сўзлар форс тили учун қабул қилинган лотин алифбосидаги халқаро транскрипцияда³³ келтирилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Дарий тилшунослигида сўз ясалиши муаммолари»га бағишланган биринчи бобда дарий тилида сўз ясалиши масаласи ҳақида сўз боради.

XX асрнинг 30-50- йилларига келиб, бир қатор ишларда дарий тилининг ҳозирги форс тилидан фарқли ва тожик тили билан ўхшаш жиҳатлари қайд қилинди³⁴. Ҳозирги форс, дарий ва тожик тиллари VIII-XVI асрларда Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон, Балх ва қисман Ҳиндистон территориясида ёйилган

³² Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. – М.: Гуманитарий, 2004. – С. 5.

³³ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – С. 67.

³⁴ Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930; Lazard Gilbert. Caractères distinctifs de la langue tadjik. – BSL, t. 52, fascic I. – Paris, 1956; Дорофеева Л.Н. О языке фарси Афганистана // Краткие сообщения ИВ АН СССР. Т.33. – М., 1959.

классик давр тили – янги форс тилининг тадрижий ривож натижаси эканлиги, классик форс-тожик адабиёти тили XV-XVI асрларга қадар кўрсатилган минтақаларда айнан ўхшаш бўлганлиги далилланди³⁵. Бу тиллар ўртасидаги дифференциация XVI аср, хусусан, форс ва тожик тиллари, шунингдек, Афғонистон давлат тилларидан бирининг шаклланиши учун шарт-шароитлар юзага келган вақтдан бошланган³⁶. Ўрта аср луғатлари, тарихий ва адабий ёзма манбаларини ўрганиш натижасида бу масалага жиддий тузатишлар киритилди. А.К. Арендс, Л.П. Смирнова, Г.И. Козлов, В.А. Капранов, М.Ф. Фозилов, А. Тагирджанов, айниқса, француз эроншуноси Ж. Лазар³⁷ нинг ишларида классик давр илк форс насри тилидаги тафовутлар ва айрим ёзма ёдгорликлар тили хусусиятлари асосида уларнинг муайян минтақага хослигини белгилаш имконияти кўрсатилди. Лексикология соҳасида А.З. Розенфельднинг қисқа шарҳли ишида тожик-форс тиллари лексикаси қиёсий ўрганилди³⁸. С. Бялковскийнинг «афғонча» ҳарбий ва сиёсий лексикани қамраб олган терминологик луғати³⁹, М.Г. Асланов томонидан тайёрланган 2000 дан ортиқ ижтимоий-сиёсий, маъмурий, ҳарбий, маиший ва ҳ.к. соҳаларга оид дарийча сўзларнинг Б.В. Миллер «Персидско-русский словарь»ининг биринчи нашрига⁴⁰ киритилиши дарий тили лексикаси тадқиқида илк тажриба, Л.Н. Киселева ва В.И. Миколайчик ҳаммуаллифлигидаги «Дари-русский словарь»⁴¹ эса дарий тилига мустақил тил сифатида қаралиб тайёрланган дастлабки нашр саналади.

Дарий тилига оид тадқиқотларда сўз ясалишининг қуйидаги усуллари ажратилади: 1) аффиксация; 2) сўз қўшиш; 3) лексикализация; 4) семантик усул⁴². Булар ичида аффиксал ва қўшма сўз ясалиши асосий усул, деб қаралади. Аффиксация усули билан сўз яшаш ҳодисаси дарий тилида сўз яшашнинг бошқа усуллариға нисбатан кенгроқ ёритилган⁴³. Л.Н. Киселева дарий тилидаги 103 та сўз ясовчи (булар кўпчиликни ташкил қилади) ва шакл ясовчи аффиксларни қайд этади (бу рўйхатга сермахсул яримаффикслар ҳам

³⁵ Бертельс Е.Э. Персидский – дари – таджикский // СЭ. – М., 1950. Т.4. – С. 38; Болдырев А.Н. Из истории развития персидского литературного языка // ВЯ. – М., 1955. – № 5. – С. 80-85.

³⁶ Пейсиков Л.С. Проблема языка дари в трудах современных иранских ученых (обзор) // ВЯ. – М., 1960. – № 2. – С. 125.

³⁷ Арендс А.К. Таджикско-персидский глоссарий Хафиза Обеи // Труды института востоковедения АН УзССР, вып. 3, 1954; Смирнова Л.П. Язык Тарихи Систан (Грамматическое описание). – Сталинабад, 1959; Козлов Г.И. Язык эпохи Бейхаки. – М., 1963 (рукопись); Капранов В.А. К истории таджикской лексикографии // Известия АН ТаджССР, ООН, вып. 9. – Сталинабад, 1956; Фазылов М.Ф. Некоторые особенности таджикского литературного языка эпохи Саманидов // Труды АН ТаджССР. Т. 27. – Сталинабад, 1954; Тагирджанов А. Памятник таджикского разговорного языка первой половины XVI в. К историко-филологическому анализу рукописи сочинения «Маджму ат-таварих» // Известия АН ТаджССР, ООН, вып. 2. – Сталинабад, 1962; Lazard Gilbert. Le langage des plus anciens monuments de la prose persane. – Paris, 1963.

³⁸ Розенфельд А.З. Таджикско-персидские языковые отношения (по материалам лексики) // Ученые записки ЛГУ, № 294. Серия востоковед. наук, вып. 12. – М., 1961.

³⁹ Бялковский С. Персидско-русский и русско-персидский словарь важнейших военных и политических терминов. – Москва-Ташкент, 1931.

⁴⁰ Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. – М., 1950. – 1151 с.

⁴¹ Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. – М.: Русский язык, 1978. – 740 с.

⁴² Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 45.

⁴³ محمد نسيم نكته سعيدى. دستور معاصر زبان درى. – كابل، ۱۹۶۹.

киритилган)⁴⁴. Табиий, бу аффиксал морфемаларнинг маҳсулдорлик даражаси бир хил эмас. Аффиксал сўз ясалишида булар орқали асосан от ва сифатлар ясалади. Аффиксал сўз ясалишининг *сўз ясалиши асоси + аффиксал морфема* ёки *аффиксал морфема + сўз ясалиши асоси* модели *fârsî-ye darî* ёки *darî* тили тарихидаги ўзгармас умумий модель ҳисобланади⁴⁵. Л.Н. Киселева томонидан ҳозирги дарий, форс ва тожик тиллари сўз ясалиши тизимида классик форс тили давридан кейинги фарқли жиҳатлар 8 та сўз ясовчи суффикс – *-gak (-ak)*, *-a*, *-i < -ih*, *yâ-e nesbat*, *-in* ва *-ina*, *-dâni*, *-bâb*, *-ôk* мисолида ёритилган⁴⁶. Кўрсатилган суффикслар нарс-буюм оти, мавҳум от ва сифат ясайди.

Дарий тили сўз туркумларида сўз ясовчи аффикслар М.Н. Негҳат Саидийнинг «*دستور زبان معاصر دری*» («Ҳозирги дарий тили грамматикаси»)⁴⁷ асарида ўрганилган. Сўз ясовчи префикслар (*پیشوندهای اشتقاقی اسمی، صفتی*) *pêšwandhâ-ye ešteqâqi-ye esmî, sefatî*) бандида 8 та префикс келтирилган. Булардан *ba-*, *nâ-*, *bâ-* – сифат, *bê-*, *na-* – сифат-равиш, *doš-* – от, *ham-* – от-сифат, *em-* – от-сифат-равиш ясовчи, деб белгиланган. Бироқ *am-* ва *doš-* ҳозирги дарий (шунингдек, форс ва тожик) тилида маҳсулсиз, булар иштирокида сўз ясалиши умуман кузатилмайди. Сўз ясовчи суффикслар от (*پسوندهای اسمی paswandhâ-ye esmî*), сифат (*پسوندهای صفتی paswandhâ-ye sefatî*) ва равиш (*پسوندهای قیدی paswandhâ-ye qaidî*) ясовчилар ҳамда от-сифат-равиш ясовчилар (*پسوندهای اسمی – صفتی – قیدی paswandhâ-ye esmî – sefatî – qaidî*) гуруҳига ажратилган. От ясовчиларга 28 та, сифат ясовчиларга 17 та ва равиш ясовчиларга 8 та суффикс киритилган. Лекин от ясовчилар таркибида негадир кўплик ва кичрайтиш аффикслари ҳам берилган. Шахс оти ясовчи *-čî* суффикси сифат ясовчилар гуруҳига асоссиз киритилган. «Умумий» аффикслар – от-сифат-равиш ясовчилар гуруҳидаги 14 та суффиксининг баъзиларини, бизнингча, от ясовчи (масалан, *-bân/ وان -wân*) ёки сифат ясовчи (*-â, مند -mand*) деб аниқ белгилаш имкони бор. Умуман, бу гуруҳга бириктирилган суффикслар таҳлил қилинса, чигал вазият юзага келади. Чунки *asâ-* ва *sân-* сифат ва равиш ясайди, *-a* суффикси асосан от ва баъзан сифат, *-gar*, *-gâr*, *-kâr* шахс оти ясовчилари иштирокида эса сифат ясалиши мумкин.

Форс тилшунослигида айрим сўз туркумлари, чунончи, от ва сифат, аслий сифат ва равиш орасига қатъий формал чегара қўйиб бўлмаслиги доим таъкидланган⁴⁸. Бундай хулоса асосан туб сўзларга тегишли. Дарий тилида (шунингдек, форс тилида) ясама сўзларда уларнинг муайян лексик-грамматик туркумга оидлиги аксарият ҳолларда аниқ ифодаланади: *زیر zêr* ‘ост’ (*om*) ва ‘остки’ (*сифат*), бироқ *زیرین zêrin* ‘остки’ (*сифат*), *خونک хонок* ‘совук’ (*сифат*) ва ‘совук’, ‘аёз’ (*om*), бироқ *خونکی хонокî* ‘совук’, ‘аёз’ (*om*), *قیمت qimat* ‘қиймат’, ‘наrx’, ‘баҳо’ (*om*) ва ‘қимматбаҳо’ (*сифат*), бироқ *برقیمت*

⁴⁴ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С.131-140.

⁴⁵ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 70.

⁴⁶ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С.111-130.

⁴⁷ محمد نسیم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، ۱۳۹۲. – ص. 149-159.

⁴⁸ Мухамедова Н.А. Классификация частей речи персидского языка в работах иранских грамматистов // Восточное языкознание. – Ташкент: ТашГУ, 1990. – С. 21-28.

porqimat ‘қимматбаҳо’ (*сифат*), *bâmdâd* ‘тонг (пайти)’, ‘субҳидам’ (*ом*) ва ‘тонгда’ (*равиш*), бироқ *bâmdâdân* ‘тонгда’ (*равиш*) ёки *nêk* ‘яхши’ (*сифат, равиш*)дан *-i* суффикси ёрдамида *nêki* ‘яхшилик’ (*ом*), *tond* ‘қаттиқ’, ‘қўпол’, ‘дағал’ (*сифат, равиш*)дан *ba-* ва *-i* ясовчилари орқали *batondi* ‘қўполлик билан’, ‘қўрс’ (*равиш*). Демак, дарий тилида сўз ясовчи аффикс, одатда, муайян лексик-грамматик туркумга оид сўзни ясайди: ясалма бирликларда сўз ясовчилар бир вақтнинг ўзида категориал белги вазифасини ҳам бажаради⁴⁹.

Ҳозирги дарий тили луғат таркибининг бойишида яримаффикслар (исмий ва феълий) орқали сўз ясаш етакчи ўрин тутди. Дарий тили сўз ясалишида иккинчи қисми феъл (содда феълларнинг ҳозирги замон негизи (ХЗН), уларнинг *-i* суффикси ёки инкор юкламаси билан келган вариантлари, буйруқ майли формаси)дан иборат сўзлар салмоқли фоизни ташкил этади. Префиксли ва қўшма феълларнинг ХЗНлари бу ўринда кам учрайди. Феъл сўз-морфемаларнинг катта миқдори туфайли яримаффиксация усули аффиксация ва композиция усуллари сингари сўз ясалишида фаол қўлланилади. Яримаффиксларнинг ишлатилиши асосан янги ижтимоий-сиёсий ва илмий-техник терминларнинг ясалиши билан боғлиқ. Рус эроншунослигида яримаффикслар С.А. Алиев, В.И. Месамед⁵⁰ томонидан тадқиқ қилинган. В.И. Месамед яримаффикслар орқали ясалган сўзларнинг қўшма сўзларга яқинлигини таъкидлаб, уларни «композитоид» деб атади⁵¹. Л.Н. Киселева таснифида ҳам яримаффикслар қўшма сўз компоненти сифатида ўрганилган⁵². Яримаффиксларга *مَوارِد مِیان مَرزِی mavāred miyān-e marzi*, яъни мустақил сўз ва аффикс орасидаги «оралиқ ҳолат» деб ҳам қаралади⁵³. Яримаффикс ҳақидаги қарашлар даврга кўра нисбий баҳоланади.

Дарий тилида қўшма сўз масалалари Л.Н. Киселева, Р. Фарҳодий, М.Н. Негҳат Саидий⁵⁴, форс тилида В.С. Расторгуева, Н.А. Ахмеджанова, М. Шокий, Ж.Ш. Гиунашвили, Т.Д. Чхеидзе, Ю.А. Рубинчик, Л.С. Пейсиков, Т.А. Чавчавадзе⁵⁵ каби бир қатор олимлар томонидан турли даражада

⁴⁹ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С.109.

⁵⁰ Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1985; Месамед В.И. Калькирование как один из способов пополнения словарного состава современного персидского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1984.

⁵¹ Кўрсатилган автореферат. – Б. 10.

⁵² Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 45-46.

⁵³ ایران کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. – تهران، ۱۹۹۲. ص. ۲۴-۲۵، ۱۴۵.

⁵⁴ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973; Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985; Фархадий Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974; محمد نسیم. نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، ۱۹۶۹، ۲۰۱۳.

⁵⁵ Расторгуева В.С. Краткий очерк грамматики персидского языка // Б.В. Миллер. Персидско-русский словарь. – М.: Госиздат иностранных и национальных словарей, 1960; Ахмеджанова Н.А. Словообразование имен существительных и прилагательных в современном литературном персидском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1956; Shaki M. A study on nominal compounds in neo-persian. – Praha, 1964; Гиунашвили Дж.Ш. Глагольный компонент детерминативных именных образований персидского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тбилиси, 1968; Чхеидзе Т.Д. Именное словообразование в персидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1969; Рубинчик Ю.А. Грамматический очерк персидского языка // Персидско-русский словарь. В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. Т. 2; Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2001; Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973; Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975; Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981.

ўрганилган. М.Н. Негхат Саидий қўшма сўзни «икки мустақил сўз ёки икки мустақил ва бир ёхуд бир неча мустақил бўлмаган (суффикс, боғловчи, олд кўмакчи) қисмлардан ҳосил бўлади»⁵⁶, деб таърифлайди ва дарий тилидаги қўшма сўзларни қуйидаги турларга ажратади: 1) مرکب امتزاجی *morakkab-e emtezâji* ‘аралаш (қоришиқ) қўшма сўзлар’; 2) مرکب تکراری *morakkab-e takrâri* ‘такрорий қўшма сўзлар’; 3) مرکب عطفی *morakkab-e atfi* ‘боғланган қўшма сўзлар’; 4) مرکب هموزن *morakkab-e hamwazn* ‘тенг морфемали қўшма сўзлар’; 5) مرکب اتصالی *morakkab-e ettesâli* ‘бириккан қўшма сўзлар’⁵⁷.

Дарий тилида қўшма сўзлар қуйидаги белгиларга эга: 1) фонетик (қўшма сўз бир бош урғуга эга бўлади); 2) грамматик (қўшма сўз қисмлари орасида грамматик алоқа бўлмайди); 3) семантик (қўшма сўз бир маънони ифодалайди). Қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлашда келтирилган уч белги ичида грамматик белги устун туради. Лексикализация усули орқали сўз ясалишида боғловчили бирикмаларнинг қўшма сўзга айланиши юқори кўрсаткичга эга. Дарий тилидаги сўз бирикмаларининг лексикализацияси жараёни ҳали тўла шаклланмаган бўлиб, қўшма сўз ва сўз бирикмаси орасидаги чегара ўта шартлидир.

Иккинчи бобда «Дарий тилида аффиксал ва яримаффиксал от ясалиши» ўрганилган.

Дарий тилида *gar* - گار, *gâr* - گار, *kâr* - کار, *çi* - چی, *bân* - بان / *wân* - وان, *wâlâ* - والا, *enda* - نده, *i* - ی, *âr* - آر суффикслари шахс оти ясовчилар саналади. Булардан *çi* - چی туркий ва *wâlâ* - والا ҳиндий тилларидан ўзлашган. *âr* - آر суффикси эса ҳозирги дарий тилида маҳсулсиз ясовчи. Шахс оти ясовчилар от туркумига оид сўзлар, феъл негизи (бунда феъл негизи ҳам от маъносига эга бўлади), ҳаракат номи ва отлашган ўтган замон сифатдоши (ЎЗС) шаклларида шахс оти ясайди. Сўз ясалиш асоси сифатида булар шахс шуғулланадиган, фаолият кўрсатадиган нарса маъносини билдиради.

Бир типдаги сўзларни яшаш учун бирдан ортиқ сўз ясовчининг бўлиши уларнинг қўлланилиши (сўз ясаши)да чекланиш бўлишига олиб келади. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос белгига эга ва бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлавермайди. Шахс оти ясовчи суффиксларнинг ҳам сўз яшаш имконияти турлича. Масалан, шахс оти ясовчи энг маҳсулдор *gar* - گار суффикси *toromçi* ‘горнчи’, *tambur(a)çi* ‘танбурчи’, *sornaçi* ‘сурнайчи’, *tabl(a)çi* ‘барабанчи’, *wailonçi* ‘скрипкачи’, *tâlçi* ‘толчи’ (*tâl* ‘тол (муסיқа асбоби)’) типдаги сўз ясамайди. Муסיқа асбобини англатувчи лексемаларга қўшилиб, улар воситасида иш кўрувчи шахс оти яшаш *çi* - چی суффиксига хос. Ўз навбатида асосдан англашилган нарсадан бирор буюм ясовчи шахсни билдиришда *gar* - گار суффикси ишлатилади: *âhangar* ‘темирчи’, *çarmgar* ‘кўнчи’, *zargar* ‘заргар’.

gar - گار, *gâr* - گار, *kâr* - کار суффикслари этимологик жиҳатдан бир бўлса-да, ҳозирги дарий тили сўз ясалишида маҳсулдорлик даражаси ҳар хил ва

⁵⁶ محمد نسيم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، 2013. – ص. 165.

⁵⁷ Кўрсатилган асар. – Б. 166-173.

уларнинг ишлатилишида айрим фарқлар кузатилади. *-gar* суффикси ёрдамида шахс отларининг қандай типлари ясалиши уларнинг қандай лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан ясалишига боғлиқ. Ҳозирги дарий тилида *-gar* суффикси билан асосдан англашилган ишни қилувчи шахс оти ясалиши сермахсуллиги белгиланди: ясалмалар, одатда, илм-маданият соҳасидаги шахс отларини билдиради:

ولی این تحلیل خیلی ضعیف بوده و جستجوگران ایرانی به گونه‌ء خواسته اند تا از نفوذ زبان دری در دربار هخامنشیان فارس انکار کنند [36]

‘Лекин бу таҳлил ниҳоятда саъз бўлиб, эронлик изланувчилар шу тариқа Форс Аҳмонийлар саройидаги дарий тили нуфузини инкор қилмоқчи бўлганлар’;

آن روز ها هنوز خالق و آفرینشگر اثر را نمی شناختیم تا این که آب ها از آسیاب ها افتادند و نقاب ها از صورت ها و بسیار چیزهای دیگر نیز آفتابی شد ... [37]

‘Ўша кезларда, то сувлар тегирмондан қуйилиб, ниқоблар юздан ечилиб, кўп нарсалар ойдинлашгунча, ҳали асар ижодкорини танимасдик’.

Луғатларда *āfarineš* ‘яратиш, бунёдга келтириш; яратилиш, бунёд қилиш’⁵⁸ маъносида қайд қилинади (*āfaridan* ‘яратмоқ’, ‘бунёд қилмоқ’ феълининг *ХЗН* *āfarin* + *-eš* суффикси орқали ясалган ҳаракат-ҳолат оти). (*āfarida* + *gar* *āfarida* ‘яриде’ *āfaridan* феълининг *ЎЗС* *āfaridagâr* ‘яридегар’ (худонинг эпитетларидан бири)дан фарқли *āfarinešgar* ‘яратувчи’ инсондир.

Туб шахс отини билдирувчи ўзлашма сўзлар ва шу сўзлардан *-gar* суффикси орқали ясалган шахс отларининг параллел ишлатилиши – тилда ортиқчалик (плеоназм) ҳодисаси кузатилади. Масалан, қуйидаги мисолда ҳиндий тилидан ўзлашган *banya* ‘баққол’ сўзи *banyagar* шаклида ишлатилган:

دیگر از بنیه گر پیشانی ترش نمی ترسید، زیرا عن قریب قروض وی را می پرداخت [80؛ ص. ۱۸۳]

‘Энди бадқовоқ баққолдан кўрқмасди, чунки қарзини дарров тўларди’.

Қиёсланг:

انصاف نباشد به دل بنیه و قصاب – پیشه وری را که ببینی شده جلاب [63؛ ص. ۲۵۶]

‘Баққол ва қассобда инсоф йўқ, қайси дўкандорга қарасанг – даллол’.

Баъзи ясалмаларда ортиқчалик эмас, янги маъно ясалмоқда:

حتماً آنان نیز «خوب» بودند حتی «خوب» تر از سگهای زنجیری پرچمی و خلقی خود که پانزده سال تمام به ساز شان رقصیدید و مشاطهگر هر خیانت و جنایت شان بودید [29]

‘Улар ҳам албатта «яхши» эдилар. Ҳатто «Парчам» ва «Халқ»нинг содиқ итларидан ҳам «яхши»роқдирки, ўн беш йил давомида уларнинг ногорасига ўйнаб, ҳар бир хиёнат ва жиноятнинг «пардозчиси» бўлдингиз’.

maššâta араб тилидан ўзлашган шахс оти; луғатларда ‘аёллар соч турмаги, пардози, кийими билан шуғулланувчи аёл’⁵⁹ маъносида қайд

⁵⁸ 25. ص. ۱۹۵۷ – کابل، ۱۹۵۷ – جلد ۱. – افغان قاموس، جلد ۱. – کابل، ۱۹۵۷ – ص. ۱۹۵۷. ۵۸. داري-русский словарь. – М.: Русский язык, 1986. – С. 55; Персидско-русский словарь: В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. Т.1. – С. 105.

⁵⁹ ۵۹. افغانی نویس عبدالله. افغان قاموس، جلد ۳. – کابل، ۱۹۵۸ – ص. ۳۶۵. ۵۹. Персидско-русский словарь: В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. Т.2. – С. 512.

этилади: عنایت الله شهرانی. ضرب المثلہای دری افغانستان. – حاجت مشاطہ نیست زلف دلارام را (کلگری، 1998. – ص. 130). Бирок юқоридаги жумлада *касб-хуна*р эгаси маъносида эмас, кўчма маънода қўлланилган. Қолаверса, контекстга кўра гапда эркак киши ҳақида сўз боради (машшоталик эса аёл кишининг касби саналади). *-gar* суффиксининг орттирилишини янги тушунчани ифодалаши билан изоҳлаш мумкин. Ясалмадан *-i* суффикси (*yâ-ye masdari* مصدری یای) орқали мавҳум от ясалиши ҳам учради:

... «خیرخواهی مردم افغانستان یا مشاطہگری رژیم ایران» ... [29]

‘...«Афғонистон халқининг хайрихоҳлиги ёхуд Эрон режимининг кўзбўямачилиги»...’.

-gar суффикси сермахсул, бироқ унинг иштирокида асосан мавҳум отлардан сўз ясалаётгани (81%) сўз ясалиш асоси билан боғлиқ чекланишни кўрсатади.

Дарий тилининг кейинги тараққиётида *касб-хуна*рни билдирувчи шахс отлари *-kâr* суффикси орқали ясалмоқда. Бу, бир томондан, унинг валентлик даражаси (сўз ясалиш асоси вазифасида аниқ ва мавҳум от, сифат, сифатдош кела олади), иккинчи томондан, *кâr* ‘иш’ сўзига омонимлиги билан изоҳланади:

... بر گل کار ها و مزدورکار ها که مشغول ترمیم شکست و ریخت پیاده خانه ها می باشند، فی

می گیرد [69؛ ص. ۲۳۲/۱]

‘... қоровулхонанинг ёрилган-тўкилганини тузатаётган сувоқчилар ва мардикорлардан айб қидиради’.

-gar га нисбатан универсал ясовчи: шахсларни нафақат меҳнат фаолиятига кўра тавсифлайди, балки асосдан англашилган турли меҳнат қуроли отларидан шу предмет билан иш кўрувчи шахс отлари ясайди (*-gar* иштирокида бундай сўз ясалиш типи маҳсулсиз): *барме кар* (*barma* ‘дрель’, ‘парма’), *бармакар* (*barmakâr* ‘пармаловчи’, ‘бурғиловчи ишчи’), *машин кар* (*mâşin* ‘машинист’, ‘моторист’), *машинкар* (*mâşinkâr* 1) ‘механик’, 2) ‘машина’, ‘механизм’, 2) ‘двигатель’, ‘мотор’, 3) ‘дастгоҳ’), *ферезкар* (*ferêzkâr* ‘фрезерчи’), *ферез* (*ferêz* ‘фреза’ (металлга ишлов берадиган айланма барабанли машина)).

-kâr суффиксининг асосан аниқ ва араб тилидан ўзлашган мавҳум отлар билан сўз ясаши маҳсулдор.

-gâr//egâr суффикси маҳсулсиз ясовчи. Унинг иштирокида шахс ёки нарса-предметнинг асосдан англашилган нарсага эгалиги, унда шундай нарса борлиги билан боғлиқ бўлган белгисини билдирувчи сифатлар ҳам ясалади; сўз ясалиш асоси феъл негизи бўлганда, баъзан сифатдош маъносини касб этади. Сўз ясалиш маъносининг бошқа воситалар билан ифодаланиш имконияти, бир типдаги сўзларни яшаш учун *-kâr* ва *-gar* суффиксларининг ҳам қўлланилиши *-gâr//egâr* орқали сўз ясалишида чекланиш бўлишига олиб келади:

ملک فیض الله طلبگار من شده [39؛ ص. ۸۶]

‘Оқсоқол Файзулла менга совчи кўйди’.

бан *-bân* /وان- *-wân* суффикси ҳозирги дарий тилида каммаҳсул ясовчи ва ясалмаларнинг аксарияти қадимий лексикадан иборат. Бу суффикс ‘ҳимоя (муҳофаза) қилувчи’, ‘қўриқловчи’, ‘сақловчи’ маъносига эга ва бу хусусияти сўз ясалиш асоси билан боғлиқ катта чекланишни кўрсатади. Асосдан англашилган юк ташиш воситасини ҳайдаб боровчи шахс маъносида *-wân* /وان суффикси ва *-rân* /راندن *rândan* ‘ҳайдамоқ’ феълининг ХЗН) яримаффиксининг параллел қўлланилиши каби ҳолатлар мазкур суффикснинг сўз яшаш имкониятини чеклайди:

حسابی طیاره وان از دست ما عصبانی بود [66؛ ص. ۱۷۸]

‘Учувчи бизнинг дастимиздан астойдил асабийлашган эди’;

طیاره ران که خود را در خطر دید راه فرار در پیش گرفت [97؛ ص. ۳۴]

‘Учувчи хатарни кўриб, қочиш йўлини танлади’.

-wâlâ суффикси ўтган асрнинг 60- йилларида сермахсул аффикслар қаторига киритилган. Ҳозирги дарий адабий тилида каммаҳсул ясовчи: унинг иштирокидаги ясалмаларнинг бошқа сўз яшаш воситалари билан параллел қўлланилиши (*دکان والا dokânwâlâ* = *دکاندار dokândâr* ‘дўкандор’, ‘баққол’, ‘широа’, *خانه والا xâna-wâlâ* = *شیرفروش širforôš* ‘сут сотувчи’, *ساحب خانه sâheb(e)xâna* ‘уй соҳиби’, ‘уй эгаси’) мазкур суффикснинг адабий тилда сўз яшаш имкониятини чеклайди. Бироқ сўзлашув тилида *-wâlâ* суффикси кенг қўлланилиш доирасига эга. Бу ҳол суффикснинг маънолари ва валентлик даражасининг юқорилиги билан изоҳланади⁶⁰:

وقتی که می خوانی، کافی والا باز می گوید: باز قوماندانک بابہ مست شده، بابہ! [74؛ ص. ۲۱]

‘Чақирган пайтинг, кафе эгаси қайтадан дейди: «Яна кўмондонинг маст бўлиб қолди, отахон!»’;

دو نفر ماشينداروالای دیگر هم در سیت پشتی نشسته بودند [66؛ ص. ۱۶۳]

‘Яна икки нафар пулемётчи ҳам орқа ўриндикда ўтирган эдилар’;

بدون ازى که فرق کنم زن است یا مرد، چادری دار است یا روی لچ، نکتایی دار است یا لنگی والا،

جوان است یا پیر، مدیر است یا دکان دار، تمامشان را نوت های ده افغانیگی می دیدم [90؛ ص. ۵۴]

‘Аёлми ё эркак, чодралими ё юзи очик, галстуклими ё саллали (елкасига лунги ташлаган), ёшми ё кекса, мудирми ё дўкандор, фарқиға бормаи, барчаларини ўн афғоний қоғоз пуллардай кўрардим’.

-či суффикси туркий ўзлашмалар билан бир қаторда, дарий тилининг ўз ва ўзлашган сўзларидан ҳам шахс отлари ясайди. Бироқ у каммаҳсул – ҳозирги вақтда янги сўз яратишда кам иштирок этади. Таҳлиллар ҳозирги дарий тилида *-či* суффикси иштирокидаги ясалмаларнинг баъзилари дарий тилининг ўз ясовчилари билан ҳам параллел қўлланилишини кўрсатади (*ويلون نواز wailonči* = *ويلون چی* ‘барабанчи’, *طبل زن tablči* = *طبل چی* ‘скрипкачи’, *قچاقچی qâcâqči* = *قچاق چی* ‘контрабандист’, *تماشابین tamâšâbin* = *تماشاچی* ‘овчи’, *شکاری šekârči* = *شکاری* ‘томошабин’ каби). Бу эса тилнинг кейинги тараққиётида *-či* суффиксининг каммаҳсуллик даражаси сақланиб қолишини билдиради.

⁶⁰ Бу ҳақда қаранг: Алимова Х. Дарий тилида *-bân* /وان- *-wân* ва *-wâlâ* суффиксларининг семантик хусусиятлари // Шарқшунослар анжумани. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 10-15.

دهل چي که گردن چمکش دمچي باريک سيب را به ياد مي آورد و سر و دست هایش مي لرزند،

چنان بر فرق دهش مي کوبد که گويي فرنگي اي را زير چوب انداخته است [69؛ ص. ۲۸۰/۱]

‘Ноғорачи ажиндор бўйни олманинг ингичка бандини эслатар ва бош-қўллари титрар, ноғоранинг ўртасига чунонам урардики, гўё таёғи тагида инглиз ётгандек’;

غلام حيدر بدون معطلی جلو می خزد و تفنگش را روی پایه گذاشته फिर می کند، ماشيندارچی فرش

زمين می شود [52؛ ص. ۴۲]

‘Гулом Ҳайдар тезда олдинга эмаклайди ва милтиғини тираб ўқ узади, пулемётчи ер тишлайди’;

... عده يی از ميزان و سانسورچيان وابسته به دستگاه های فرمانروا شده اند [38]

‘...эксперт ва цензорлардан баъзилари раҳбарият (бошқарув аппарати) измида бўлдилар...’.

نده -*enda* суффикси – маҳсулдор ясовчи, ҲЗНга қўшилиб, ҳозирги замон сифатдоши (ҲЗС) ясайди. Бироқ ҳосилалар сифат ёки от (шахс оти) маъносини касб этади (бафنده *bâfenda* ‘тўқувчи’, *forôšenda* ‘сотувчи’, *xânenda* ‘китобхон’). Ясалмалар таржима луғатларида қайд қилинмасда, нутқ жараёнида уларнинг ясалиш имконияти чексиз. Бу ҳол сўз ясалиш асоси, унинг «танланиши» билан изоҳланади:

عتيق رحيمی با چهارمين رمان خود، برنده جايزه كنكور - مهم‌ترين جايزه ادبی فرانسه - در سال

2008 شد. اين جايزه برای رمان «سنگ صبور» به اين نويسنده افغان تعلق گرفت [56]

‘2008 йил Атиқ Раҳимий ўзининг тўртинчи романи билан Франциянинг энг муҳим соврини – танлов мукофоти ғолиби бўлди. Мукофотга «Сабр тоши» романи учун бу афғон ёзувчиси муносиб топилди’.

Ҳозирги дарий тилида *i*-ى – *ya* суффиксининг функционал доираси янада кенгайди: унинг шахс оти вазифасида қўлланилиши фаоллашди (ғичكى *ğêçaki* ‘ғижжакчи’, *bandi* ‘асир’, ‘маҳбус’, *jawâli* ‘ҳаммол’, ‘юк ташувчи’, *barqi* ‘электрик’, ‘электромонтёр’):

...چون اگر افغانستان آرام باشد باید تمام خارجی ها از افغانستان بیرون بروند و او وقت است که

خارجی ها بخصوص (آمریکا) بخاطر نقشه های شومی که دارد کامیاب نمی شود [26]

‘...Агар Афғонистон тинч бўлса, барча ажнабийлар Афғонистондан чиқиб кетишлари керак, у вақтда чет элликлар, айниқса, Америка шум ниятлари йўлида муваффақиятга эришмайди’;

...فرهنگیان غیر وابسته به حزب دموکراتیک خلق انتخابات را بردند... [29]

‘...Халқ-демократик партиясига алоқадор бўлмаган маданият арбоблари (маърифатчилар) сайловда ғолиб келди’.

Дарий тилида нарс-буюм оти ясовчилар кўп эмас: от (*narca oti*) + دان *dân*: *goldân* ‘гултувак’, от (*narca oti*) + *dâni*: *goldâni* ‘гулваза’, феъл негизи + *mân*: *rêsmân* ‘арқон’, от, сифат, феъл негизи + *a*: *dasta* ‘даста’, *pâya* ‘поя’, *gira* ‘лўкидон’, *šomâra* ‘сон’. Уларнинг айримлари ҳозирда янги сўз ясаш учун деярли қўлланмайди, масалан, *mân*-مان суффикси.

Ҳозирги дарий тилида *kâr*-کار суффикси ёрдамида нарс-буюм оти, асосан, техник асбоб номлари ясалмоқда: *garmkâr* ‘иситгич’ (горм *garm* ‘иссиқ’), *taqsimkâr* ‘тақсимлагич’ (*taqsim* ‘тақсимлаш’, ‘бўлиш’). *enda*-نده суффикси ёрдамида турли соҳага оид ҳодисаларни билдирувчи

терминлар ясалади, уларнинг баъзилари калькалаш йўли билан ҳосил қилинган: *eşâra* *konenda* ‘сигнализатор’, *mowâzena* *konenda* ‘балансир’, *kôk* *konenda* ‘тепки’ (ўқ отадиган курулларда), *tashih* *konenda-ye fâz* ‘фазокорректор’ каби. Шунингдек, *-ak/-gak* суффикси билан ясалган нарса-буюм отлари «асосдан англашилган нарса (ёки белги-хусусият)га ўхшатиш асосида нарса, буюм», «асосдан англашилган иш-ҳаракат (ёки ҳолат) билан характерланувчи (белгиланувчи), шундай ҳаракат тарзида юз берувчи ва номланувчи нарса» ва «асосдан англашилган иш-ҳаракат учун қўлланадиган нарса» маъноларини ифодалайди. Масалан: *abrêšomak* ‘маккажўхори попуги’; ‘маккажўхори бошоғи’ (*abrêšom* ‘ипак’; ‘пилла’; ‘шойи ип’):
 در اثر قلت آب در مراحل ابتدایی نمو، نباتاتی سوخته و قد کوتاه به وجود آمده و هم تولید
 ابریشمک ها به تعویق خواهد افتاد [95؛ ص. ۳۰-۳۱]

‘Сув танқислиги туфайли ўсимликлар кўкаришининг бошланғич давридаёқ куйиб ва паканалашиб, маккажўхори попугини ишлаб чиқариш ҳам тўхтаб қолади’.

âteshak 1. ‘чақмоқ’, ‘яшин’ 2. ‘ялтироқ (кечаси ялтираб кўринадиган) қўнғиз’, ‘тиллакўнғиз’ (*âtesh* ва *âtaš* ‘олов’) (луғатда касаллик номи сифатида қайд этилган: *âteshak* 1) қ.-х. ‘антракноз’ 2) ‘сифилис’⁶¹):
 یک چیزی نزدیک پدرم خورد و آتشک زد [72؛ ص. ۸۱]

‘Нимадир отамнинг ёнига келиб урилди-да, чақмоқ чакди’;
 آتشک کرمکی خورد است که شب، مانند چراغ، می تابد و شب چراغ، شب چراغک، شب تاب و چراغله هم نامیده می شود [28؛ ص. ۱ / ۱۱۴]

‘Ялтироқ қўнғиз кичкина қурт бўлиб, тунда худди чироғдек ёғду сочади ва (уни) тунчироқ деб ҳам атайдилар’.

Ясалмалар кўпинча терминологик лексикага эгалиги билан характерланади. Шунингдек, булардан аниқ предмет номларининг лексик-семантик маъносига кўра кичик бўлиши *-ak/-gak* суффиксининг кичрайтиш маъносини ҳам ифодалай олиши билан изоҳлаш мумкин. Мисол учун, *pêngak* ‘сочтўғнағич’ (*инглизча* *pin* [pin] ‘тўғнағич’); шу ўринда *-gak* суффиксининг ундош билан тугалланган сўзга қўшилиши имло қоидаларини кўриб чиқишни тақозо қилади:

پیچہ های سیاهش از دو طرف شقیقه هایش آویزان بود. چهار پینگک گل دار هم به هر طرف زده بود [76؛ ص. ۸۱]

‘Қора кокиллари чаккасининг икки томонига тушарди. Тўртта гулли сочтўғнағич ҳам ҳар тарафига тўғналган эди’.

-ak/-gak суффикси инсон ёки жонивор тана аъзосини билдирувчи ёки уларга хос сўзларга қўшилиб, улар орқали бажариладиган ҳолат-ҳаракат маъноли от ясайди: булар, одатда, қўшма феълнинг от қисми вазифасида келади; ясалмалар кўчма маънода қўлланиши мумкин: *abrugak zadan* ‘қошни учирмоқ’, *dandânak zadan* ‘(совуқдан) тишини такиллатмоқ’, *bâlak zadan* ‘қанот қоқмоқ’, *dombak zadan*

⁶¹ Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. – М.: Русский язык, 1986. – С. 25.

а) ‘думини ликиллатмоқ’ (кучук ҳақида), б) ‘тилёғламалик қилмоқ’, نفسک زدن *nafasak zadan* ‘нафаси тикилмоқ’. Масалан:

‘депсинмоқ’ *pâyak zadan* (‘пайак’ *pâ* ‘оёқ’, زدن *zadan* ‘урмоқ’)⁶²:
ملا اف بلندی کشید، بخار دهانش پر زور بیرون شد. خانه که برگشت زنش پشت دروازه پایک
می زد [۱۱۴-۱۱۳؛ ص. 76]

‘Мулло чуқур уф тортиб, қаттиқ нафас чиқарди. Уйга қайтганида хотини эшик орқасида депсиниб турарди’.

Ёрдамчи феъл маъно ясади: *pâyak gereftan* ‘оёғига ётқизиб олмоқ’ (*gereftan* ‘олмоқ’, گرفتن ‘оёқ’, *pâ(y)* ‘пайак’):

اوف... لیلاجان، تو برو قاسمه پایک بگیر [۹8؛ ص. ۲۰]

‘Уф... Лайложон, сен бор, Қосимни оёғинга ётқизиб аллалагин’.

Ясама сўз умуман сўз (лексема)дан эмас, балки унинг муайян маъноси асосида ясалади. Луғатда *pôst* сўзи 1) ‘тери’; ‘пўст’; ‘мўйна’, 2) ‘пўст’, ‘пўчоқ’; ‘пўстлоқ’, ‘қобиқ’⁶³ деб берилган. *-ak* ясовчиси орқали ясалмаларда кўрсатилган маънолар асосида омоним сўзлар ҳосил бўлади: *pôstak* I ‘пўстак’ (ўсиқ жунли ошланган теридан иборат тўшак); *pôstak* II ‘буғдой кепаци’, ‘похол’:

پدر، پشت تنور، بر روی پوست نشست [82؛ ص. ۹۶]

‘Ота(миз) тандирнинг четидаги (атрофидаги) пўстакка ўтирди’;

مواد خارجی که در گندم یافت می شود بیش تر عبارت از حبوبات دیگر، تخم های انواع مختلفه و اندازه های متنوعه سنگ، کلوخ، پوستک، کاه، خاک و گرد می باشد [28؛ ص. ۱۹۶/۱]

‘Буғдойдаги мавжуд ташқи моддалар кўпроқ бошқа бошоқлилар, турли навли уруғлар ва тош, кесак, қобиқ (кепак), похол (чори), тупроқ ва чангдан иборат бўлади’.

Бугунги кунда, айниқса, термин яшашда феълий яримаффикслар исмий яримаффиксларга нисбатан сермахсул ясовчи ҳисобланади⁶⁴. Ҳозирги дарий тилида яримаффиксал сўз ясалиши алоҳида тадқиқот объекти бўла олади. Дарий тилида *-dâr* (داشتن *dâştan* ‘эга бўлмоқ’, ‘бор бўлмоқ’ феълининг ХЗН), *-kaš* (کشیدن *kašidan* ‘тортмоқ’, ‘чўзмоқ’; ‘чиқармоқ’ феълининг ХЗН), *-pazir* (پذیر *âmêxtan* ‘аралаштирмоқ’ феълининг ХЗН), *-sâz* (ساز *paziroftan* ‘кутиб олмоқ’; ‘қабул қилмоқ’ феълининг ХЗН), *-xêz* (خیز *sâxtan* ‘ясамоқ’, ‘қурмоқ’, ‘яратмоқ’, ‘тузатмоқ’ феълининг ХЗН), *-namâ* (نمودن *xêstan* ‘сакрамоқ’; ‘кўтарилмоқ’ феълининг ХЗН), *-zan* (زن *gerâyidan* ‘гравид’ *gerâ* ‘гравид’ феълининг ХЗН), *-zadan* (زدن *zadan* ‘урмоқ’, ‘тепмоқ’ феълининг ХЗН), *-gerâ* (گرا *gerâ* ‘интилмоқ’, ‘мойил бўлмоқ’, ‘хоҳламоқ’ феълининг ХЗН) каби яримаффикслар кўп учрайди.

Баъзан яримаффиксал сўз ясалишида муайян қийинчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, даставвал арабча *hajjâr* ‘тош йўнувчи’, ‘сангтарош’ сўзи учун ишлатилган *sangtarâš* сўзи қисқа муддатда уч хил маънода

⁶² حسن انوشه، غلامرضا خداينده لو. فارسی ناشنیده: فرهنگ واژه ها و اصطلاحات فارسی و فارسی شده کاربرد در افغانستان. – تهران: نشر قطره، ۱۳۹۱. – ص. ۱۸۱.

⁶³ Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. – М.: Русский язык, 1986. – С. 173.

⁶⁴ Мирзахмедова Х. Форс тилида термин ясалишининг назарий ва эмпирик асослари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 19.

ишлатила бошланди: 1) ‘сангтарош’ (шахс оти); 2) ‘болға’ (нарса-буюм оти); 3) ‘автомат станок’ (нарса-буюм оти)⁶⁵. Дарий тилида яримаффиксал сўз ясалишида иккинчи таркибий қисми *پاک کردن* *pâk kardan* ва *صاف کردن* *sâf kardan* ‘тозаламоқ’, ‘артмоқ’ феълларининг ХЗН бўлган ясалмаларда форс тилидан фарқли ўлароқ феъл негизидаги *کن* -*kon* тушиб қолади ва қисқартирилган модель юзага келади: *پنسل پاک* *penselpâk* (пенсил پاک کن *penselpâkkon* ўрнига) ‘ўчирғич’, *پاک روی* *rôypâk* ‘сочик’, *چای صاف* *čâysâf* ‘чойсузгич’ (форс тилида: *چای صاف کن* *čâysâfkon* ёки *چای صافی* *čâysâfi*) каби. Албатта, булар салбий ҳодиса сифатида баҳоланмаслиги керак. Аксинча, тилнинг янги эҳтиёжларини қондиришда яримаффиксларнинг сўз яшаш имкониятини ойдинлаштиради.

Яримаффиксация усулининг маҳсулдорлиги деярли барча феълларнинг ХЗН сўз яшашда иштирок эта олиши билан белгиланади. Тил эгалари учун булар иштирокидаги ясалмаларни луғатда қайд этишга эҳтиёж ҳам сезилмайди. Масалан, нофаол саналган *گراییدن* *gerâyidan/ garâyidan* ‘интилмоқ’, ‘мойил бўлмоқ’, ‘яқинлашмоқ’ феълларининг ХЗН – *گرای* *gerây* яримаффикс сифатида фаол саналади; куйида бир гап таркибида қўлланилаётган *نوگرایی* *nawgarâyî* ‘модернизм’, *بنیادگرا* *bonyâdgarâ* ‘фундаменталист’, *بنیادگرایی* *bonyâdgarâyî* ‘фундаментализм’ сўзлари дарий тили луғатларида қайд қилинмаган:

کلیت به نوگرایی و آزادی بی باورانه مینگرند و آنها را تهدید می‌شمارند. شاید بنیادگرایان به وحشت افتاده تلاش می‌ورزند برای تقویت جنبشها شان تندروی پیشه کنند. به هر حال، پدیدار شدن بنیادگرایی به دین اسلام آسیب میرساند، زیرا اسلام را در نقش دین متعصب و تهی از معنویت به تماشا می‌گذارد [43]

‘Хамма модернизм ва озодликка ишончсизлик билан қарайди ва уларни таҳдид деб билади. Балки фундаменталистлар ваҳимага тушиб, ўз ҳаракатларини радикаллаштиришга интиладилар. Бироқ фундаментализмнинг юзага келиши ислом динига зиён етказади, чунки у исломнинг диндаги ўрнини мутаассиб ва маънавиятсиз қилиб кўрсатади’.

Учинчи бобда «Дарий тилида аффиксал сифат ясалиши» ўрганилган. Дарий тили сифат ясалишида ҳам асосий сермахсул усул аффиксациядир.

Нисбий белги билдирувчи сифат ясовчилар – *ی-ی* (*yâ-ye nesbat*), *آسا* -*âsâ*, *سان* -*sân*, *سار* -*sâr*, *وار* -*wâr*, *وش* -*waš*, *فام* -*fâm*, *گون* -*gun*, *ین* -*in*, *آنه* -*âna* ёрдамида ясалган сифатларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган хусусият белгини шу типдаги сўз ясовчилар қўшилган сўз англатган нарсага, ҳаракатга нисбатлаб ифодалаш, нисбатли (оидлик, хослик каби) белгини билдиришдир.

ی-ی суффикси орқали ясалган сифатларнинг 17 та семантик гуруҳи қайд қилинди. Кейинги тадқиқотлар давомида унинг бошқа янги турлари аниқланиши ва айрим гуруҳ подтиплари тилнинг тараққиёти жараёнида мустақил сўз ясалиш типларига айланиши эҳтимолдан холи эмас. Маълумки, сўз ясалиш таҳлилида бу типлардан қай бирининг маҳсулдор ёки маҳсулсиз эканлигини белгилаш жуда муҳим. Дарий ва форс тилшунослигида бу масала

⁶⁵ خسرو کشانی. اشتقاق پسوندی در زبان فارسی امروز. – تهران، ۱۳۸۱. – ص. ۵۷.

ўрганилмаган. Бироқ бу тилларга оид сўз ясалиши баҳсида *-i* суффиксининг маҳсулдорлиги доим таъкидланган⁶⁶.

-i суффиксининг маҳсулдорлиги сабабларидан бири унинг кенг сўз яшаш имкониятлари билан белгиланади. «Сўз ясалиш асоси+*-i*» моделида ясовчи асос ўз ва ўзлашмалигидан қатъи назар, турли сўз туркумига оид содда ва қўшма сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологизмларга тенг бўлиши мумкин. *-i* суффикси валентлик даражасининг юқорилиги унинг сифатлар учун умумий бўлган белги маъноси билан изоҳланади.

-i (دیواری *dêwâri*) нинг ундошдан сўнг *-i* (یای نسبت *yâ-e nesbat*) ‘деворий’, унлидан сўнг *-yi* (طایلی *talâyi* ‘тилла(га оид)’), *hâ-ye* (های غیر ملفوظ *hâ-ye ġayr-e malfuz* га (дарий тилида: *-a*, форс тилида: *-e*) тугалланган сўзларда *ġi* (خانگی *xânagi* ‘уй(га оид)’)) шаклида ишлатилиши форс тили учун ҳам аниқ қоида эмас⁶⁷. Форс тилида *hâ-ye* га тугалланган отлардан нисбий сифат *ġi* формантидан кўра *-yi*, айрим арабча ўзлашмалардан эса *-vi* билан ясалади. Дарий тилида *-wi* форманти форс тилидан фарқли ўларок *-a* га тугалланган сўзлардан, ўз ва ўзлашмалигидан қатъи назар, сифат ясайди: *afsânawî* (افسانه *afsâna* ‘эртақ’, ‘афсона’), *mentaqawî* (منطقه *mentaqâ* ‘минтақа’), *bartânawî* (برتانوی *bartânya* ‘Британия’), *itâlawî* (ایتالوی *itâliyâ* ‘Италия’). Форс тилида бундай ўринларда *-i* ишлатилади: *afsânei* (افسانه ای), *mentaqei*⁶⁸ ва б.

Эгалик белгисини билдирувчи сифат ясовчилар: *mand*, *gar* (مند *-â*, *gâr*), *egâr* (گار *-â*, *egâr*), *kar* (کار *-kâr*, *kar*), *enda* (نده *-enda*, *enda*), *war* (ور *-war*, *war*), *nâk* (ناک *-nâk*, *nâk*), *ân* (آن *-ân*, *ân*), *ġin* (گین *-ġin*, *ġin*), *âġin* (آگین *-âġin*, *âġin*), *u* (و *-u*, *u*), *âni* (آنی *-âni*, *âni*) билан ҳосил қилинган сифатлар бир умумий, яъни белгининг ортиқ-камлиги, кучли-кучсизлиги кабилардан қатъи назар, эгалик белгиси билан бир гуруҳни ташкил этади. Бу турга оид сифат ясовчиларнинг ҳар бири ўзига хос хусусияти (белгидаги ортиқ-камлик, кучли-кучсизлик ва ш.к.ни қайд этиш-этмаслик) билан бир-биридан фарқланади. Бу хусусиятлар уларнинг сифат яшашдаги маҳсулли /маҳсулсизлик, сермаҳсул /каммаҳсуллик ҳолатига таъсир қилади.

Дарий тилида сифат сўз туркумида, отлардан фарқли равишда, префиксал сўз ясалиши маҳсулдор. Асосдан англашилган нарсага эга эмаслик белгиси *bê-* (بی *bê-*, *bê-*), *nâ-* (نا *nâ-*, *nâ-*), *lâ-* (لا *lâ-*, *lâ-*) ва *belâ-* (بلا *belâ-*) префикслари орқали ифодаланади. Шу ўринда *bê-* префикси билан ясалган ясалмаларни (بی فایده *bî fayde* ‘бефойда’, *bêwafâ* (بی وفا *bî wafâ* ‘бевафо’) *bê-* олд кўмакчисининг отлар билан бирикувидан (*bê tawaqqof* (بی توقف *bî tawâqquf* ‘тўхтамасдан’, ‘танаффус қилмасдан’, *bê pul* (بی پول *bî pul* ‘пулсиз’) фарқлаш зарур. *bê-* префиксли ясалмалар сифат сўз туркумига оид (контекстда сифатлар равиш туркумига ўта олиши эътиборга олинса, уларнинг айримлари ҳам сифат, ҳам равиш бўлиб келиши кузатилади: *bêjâ* 1) (بی جا *bî jâ* ‘бекорчи’, ‘фойдасиз’; ‘ўринсиз’

⁶⁶ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 122-125; Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 76-77; Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 71-73.

⁶⁷ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 123.

⁶⁸ Қаранг: Персидско-русский словарь. В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. – С. 106, 567.

(*сифат*); 2) ‘бекор(га)’, ‘беҳуда(га)’; ‘зое’ (*равиш*); *bêtaured* (بی مورد); 1) ‘ўринсиз’ (*сифат*); 2) ‘бемаврид’, ‘бемаҳал’ (*равиш*) каби).

این ها عبارت بودند از سوداگران خرده فروش و افراد بی کمر ... که با یک بهانه چند روز سر کار نمی روند [32؛ ص. ۶، ۲۳]

‘Булар майда савдогарлар ва бирор баҳона билан бир неча кун ишга бормайдиган бекорчи (ишёқмас) кишилар эдилар’;

نیروهای دشمن وقت فرار مردم هم آن ها را بی غم نمی گذارد، از زمین و آسمان آن ها را تعقیب کرده بر سرشان آتش می بارند [84؛ ص. ۱۴-۱۵]

‘Душман кучлари одамлар қочаётганда ҳам уларни тинч қўймайди, ер-у осмондан уларни таъқиб қилиб, устиларидан ўқ ёғдирадилар’;

بسیار گپهایش ناگفته مانده بودند [41]

‘Жуда кўп гаплари айтилмай қолган эди’.

Ҳозирги дарий тилида *bê-* на *nâ-* – маҳсулдор, *na-* – каммаҳсул, *lâ-* ва *belâ-* – маҳсулсиз префикслардир. *nâ-* префиксининг *bê-* га нисбатан юқори валентлиги (сўз ясалиш асоси вазифасида от, сифат, феъл негизи, сифатдош кела олади; *bê-* префикси эса асосан отларга бирикади) унинг маҳсулдорлик даражасини оширади. Инкор префикслари семантик жиҳатдан бир хил, бироқ уларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланиши кам учрайдиган ҳодисадир.

Тўртинчи бобда «Дарий тилида сўз ясовчи транспозиция» ҳодисаси тадқиқ қилинган.

Дарий тилида феъл шакллариининг отлашуви – транспозициянинг хусусий модели бўлиб, унга кўра содда, префиксли ва қўшма феълларнинг ҳозирги (ҲЗН) ва ўтган замон негизлари (ЎЗН) ҳамда сифатдош шакллари феъллик ва сифатдошлик системасидан, яъни феъллик ва сифатдошлик парадигмасидан ажралиб от системасига ўтади. «Феъл → от» модели ўрта форс тили ва айниқса, янги форс тили даврида кенг тарқалган⁶⁹. Феъл негизларининг отлашуви от сўз туркумининг ривожига муҳим ўрин эгаллайди.

«Ўтган замон феъл негизи → от» моделида содда, префиксли ва қўшма феъллардан от ясалади. Дарий тилида содда феъллардан, асосан, ساختن *sâxtan*, ریختن *rêxtan*, بافتن *bâftan*, باختن *bâxtan*, خریدن *haridan*, گشتن *gaştan*, بردن *bordan*, سوختن *šekastan*, پرداختن *pardâxtan*, نشستن *nešastan*, خواستن *xâstan*, دیدن *didan*, رفتن *raftan*, آمدن *âmadan*, گذشتن *gozaştan*, префиксли ва қўшма феъллардан درگذشتن *dargozaştan*, ورشکستن *waršekastan*, برخوردن *barxordan*, بازگشتن *bâzgaştan*, درخواستن *darxâstan*, درآمدن *darâmadan*, دریافتن *daryâftan*, پیش رفتن *pêš raftan*, برآوردن *barâwardan*, پس انداختن *pas andâxtan*, پش بردن *pêš bordan*, یاد داشتن *yâd dâştan*, عمل کردن *amal kardan*, قرار دادن *qarâr dâdan*, روى دادن *rôy dâdan*, кабиларнинг ЎЗНлари отлашуви кузатилади. Масалан:

... می گوید که خواست های شهروندان غور از جمله ساخت و اسفالت جاده های اساسی این ولایت را به حکومت در میان گذاشته است [93؛ ص. ۴]

‘Ўр шаҳри аҳолисининг хоҳишлари, жумладан, бу вилоятнинг асосий кўчаларини қуриш ва асфальтлаш ҳукуматга етказилган, дейди’;

⁶⁹ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд. МГУ, 1975. – С. 96.

27

گنجشک را که از دستش گرفتم چنان پرپرک زد که نفامیده فشاری دادم که دلم سوخت برایش [17]؛
ص. ۱۱]

‘Чумчукни қўлидан олганимда шундай питир-питир қилардики, тушунмасдан сиқиб юбордим, унга ичим ачиди’.

Феъл негизларининг отлашуви дарий тили сўз ясалишида катта ўринга эга. Жумладан, конверсион моделлар содда феълларнинг ХЗН ва ЎЗНларидан иборат бўлган копулятив қўшма сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан: *харидофорош* *xaridoforôš* ‘олди-сотди’, *гашт и гозар* *gaštogozâr* ‘сайр’, ‘айланиш’, *похтопаз* *poxtopaz* ‘пишир-куйдир’ ва б.

زنها حق ندارند به داکتر مرد بروند. بدتر اینکه آنها مانند برندگان جنسی خرید و فروش میشوند [43]

‘Аёлларнинг эркак шифокорга мурожаат қилишга ҳақи йўқ. Бундан ҳам ёмони, улар жинсий қуллардек олди-сотди қилинадилар’.

Сифатдошлар отлашганда ўзларининг асл маъноларини тўла ёки қисман йўқотиб, предмет маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Дарий тилида ҳар қандай феълдан ҳам сифатдош шакллари ясалавермайди. Бунда энг универсал сифатдош шакли ролини ЎЗС ўтайди. Улар феълларнинг ҳар қандай структур ва лексик-грамматик шаклларида ясалиши мумкин⁷¹.

Отлашган ЎЗСлари отга хос категорияларни қабул қилади:

پذیرفتم که یک روز بروم به خانه شان و در نبود لایلا آن نوشته ها را برایشان به دری ترجمه کرده
بخوانم [6]

‘Бир кун уларнинг уйига бориб, Лайло йўқлигида ўша хатларни дарийчага таржима қилиб ўқиб беришга қарор қилдим’;

...و اندک اندک بار عظیم آموخته های کتابی که راه او را به حقیقت مطلق می بست از دوشش
فرو می افتاد [3]

‘Аста-секин унинг йўлини мутлақ ҳақиқатга боғлаган китоб ўғитларининг катта юки елкасидан тушди’;

آری ، بگفته مزاح گونه قاضی نجم الدین طشتی ... [3]

‘Ҳа, қози Нажмиддин Таштийнинг истехзоли сўзларига кўра ...’.

ЎЗСларининг отлашувида асосан *goftan* ‘гапирмоқ’, ‘сўзламоқ’, *نوشتن* *nawēstan* ‘ёзмоқ’, *gozaštan* ‘ўтмоқ’, *خواستن* *xâstan* ‘хоҳламоқ’, ‘истамоқ’, *bastan* ‘бастан’, *mordan* ‘ўлмоқ’, *آموختن* *âmôxtan* ‘ўрганмоқ’, ‘ўргатмоқ’, *مردن* *morda* ‘мрда’, *farmuda* ‘фармода’, *آمیخته* *âmêxta* ‘амӣхта’, *بسته* *basta* ‘баста’, *ریخته* *rêxta* ‘қуйма’. Баъзи ЎЗСлари аксарият ҳолларда кўпликда ишлатилади: *yâftahâ* ‘яфтиҳа’, *bastagân* ‘бастаган’, *koštagân* ‘қоштган’, *zendagân* ‘зандаган’, *raftagân* ‘рафтаган’, *gozaštagân* ‘гозаштаган’, *wâbastagân* ‘вабастаган’.

⁷¹ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. — М.: «Восточная литература» РАН, 2001. — С. 271.

‘Гоҳ келажакдан тарона ярат,

Гоҳ ўтганлардан (яъни, мархумлар ҳақида) афсона ярат’;
 ونیز کبیر جان با طعنه به وابستگی خارجی جراید و رسانه ها اشاره دارد، گفته است آن ها مثل بید
 به خود می لرزند [26]

‘Шунингдек, Кабиржон таъна билан оммавий ахборот воситаларининг хорижлик тарафдорларига ишора қилиб, уларни худди толдек қалтираётганини айтган’.

ҲЗН + *-enda* модели асосида содда, префиксли ва қўшма феъллардан ҲЗС ясалади. Бироқ айрим феъллар, масалан, ҳолат феъллари, баъзи префиксли феъллардан ҲЗС шакли ясалиши кузатилмайди⁷². Ҳозирги дарий тилида қуйидаги содда феъллардан ясалган ҲЗСларининг отлашуви кузатилди: *bâfenda* ‘тўқувчи’ (бафтен *bâftan* ‘тўқимоқ’), *forôšenda* ‘сотувчи’ (сотохтен *forôxtan* ‘сотмоқ’), *bâšenda* ‘яшовчи’; бундан *bâšendagân* ‘аҳоли’ (*budan* ‘бўлмоқ’, ‘эмоқ’), *dârenda* ‘эга’, ‘соҳиб’, ‘... эгаси’ (*dâstan* ‘эга (бор) бўлмоқ’); *xazenda* ‘судралувчи’ (*xazidan* ‘эмакламоқ’, ‘судралмоқ’); *namâyenda* ‘вакил’, ‘намоянда’ (*namudan* ‘кўрсатмоқ’, ‘намоиш этмоқ’); *jawenda* ‘кемирувчи ҳайвон’ (*paridan* ‘прیدن’), *parenda* ‘қуш’ (*jawidan* ‘чайнамоқ’, ‘кемирмоқ’); *šenawenda* ‘шнӯнде’ (*naweštan* ‘ёзмоқ’), *nawisenda* ‘ёзувчи’ (*sonidan* ‘эшитмоқ’, ‘тингламоқ’); *binenda* ‘тингловчи’, ‘эшитувчи’ (*âyenda* ‘келажак’ (*âmadan* ‘келмоқ’); *xânenda* ‘китобхон’, ‘қўшиқчи’ (*xândan* ‘ўқимоқ’, ‘куйламоқ’); *barenda* ‘ғолиб’ (*bordan* ‘ютмоқ’) ва ш.к.

Отлашган *-enda* суффиксли ҲЗСлари асосан шахс оти маъносини касб этади:

در پاریس در کنفرانس در باره مسایل افغانستان نماینده گان همه کشورهای همجوار و دول
 جهانی... [102]

‘Парижда конференцияда Афғонистон масалалари бўйича барча қўшни мамлакатлар ва дунё давлатларидан вакиллар...’.

Қўшма феъллардан *-enda* суффикси билан ясалган ҲЗСлари содда ва префиксли феъллардан ясалган ҲЗСларига нисбатан кўп ва улардан ясалган сифатдошларнинг отлашуви ҳам сермахсул: *šerkatkonendâ* ‘иштирокчи’ (*šerkât kardan* ‘иштирок этмоқ’); *masrafkonendâ* ‘истеъмолчи’ (*masraf kardan* ‘ишлатмоқ’, ‘сарфламоқ’); *sâderkonendâ* ‘экспортчи’ (*sâder kardan* ‘чиқармоқ’, ‘экспорт қилмоқ’); *hamâhangkonendâ* ‘координатор’ (*hamâhang kardan* ‘белгиламоқ’, ‘мувофиқлаштирмоқ’) каби.

-ân ва *-â* суффиксли ҲЗСларининг отлашуви бугунги кунда кузатилмайди. *-â* суффиксли ҲЗСлари орасида сифатга кўчганлари жуда кўп. Улардан баъзилари атоқли отга айланган: *dânâ* ‘доно’, ‘билимдон’, ‘билимли’; ‘Доно’; *šakibâ* ‘сабрли’; ‘Шакибо’; *farêbâ* ‘жозибали’, ‘мафтункор’; ‘Фарибо’; *zêbâ* ‘чиройли’, ‘гўзал’; ‘Зебо’ каби.

⁷² Кўрсатилган асар. – Б. 277.

Келаси замон сифатдошлари (КЗС) орасида رستنى *rostani* ‘ўсимлик’, ‘гиёҳ’, پوشيدنى *pôšidani* ‘кийим’ каби тўлиқ транспозицияга учраб, отлашган сўзлар ҳам мавжуд. Бу гуруҳ содда феъллардан ясалган КЗСларининг отлашуви билан характерланади:

و پسان خواهيم گفت كه براى ما وبراى بشریت امروزی چه گفتنى ها دارد؟ [3]

‘Ва ниҳоят айтмоқчимизки, биз учун, (ва) бугунги инсоният учун қандай айтиладиган гаплар бор?’

ХУЛОСА

Диссертацияда дарий тилида ички ресурслар асосида сўз яшаш йўли билан лексиканинг бойишида тилнинг ўз ички қонуниятлари ва имкониятларини ўрганиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Эрон тилшунослигида форс тили сўз ясалиши ўтган асрнинг 70- йилларидаёқ Эрон ва ундан ташқарида алоҳида соҳа сифатида морфологиядан ажратилган. Дарий тили сўз ясалиши ва у билан боғлиқ ҳодисалар эса лексикология бўлимида сўз ясалишига оид мулоҳазалар сифатида қайд қилинган. Мазкур ҳолат икки омил билан изоҳланади: а) дарий тилини тадқиқ этиш ўтган асрнинг 60- йилларидан, аниқроғи, 1964 йили Афғонистон Конституциясида «форси-йе кобулий» расман «дарий тили» деб эълон қилингандан сўнг бошланган; б) дарий тилига форс тилининг миллий (минтақавий) варианты деб қараш мавжуд.

2. Афғонистонда бир вақтнинг ўзида икки тил, айрим минтақаларда уч тилнинг давлат тили мақомида амал қилиши аҳоли ўртасида икки тиллилик ва кўп тиллиликни юзага келтирган. Дарий тили сўз ясалиши системасида структур ва функционал ўзгариш ҳамда ривожланиш юз беришида бундай этнолингвистик вазиятнинг таъсири катта.

3. Дарий тилида аффиксация ва яримаффиксация от ясалишининг асосий усуллари бўлиб, кейинги 30 йил ичида бўлган ўзгаришлар айнан шу усуллар билан от ясалишида кўринади. Ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзгаришлар асосан от ясалиши системасида акс этган. Дарий тилида айрим от ясовчиларнинг вазифаси кенгайган. Ҳозирги дарий тилида گر *-gar* ва کار *-kâr* суффикслари орқали шахс оти ясалиши янада фаоллашган. Ҳозирги форс тилида эса گر *-gar* ясовчиси орқали асосан ش *-eš* суффиксли ҳаракат-ҳолат отларидан шахс оти ясалиши маҳсулдор; бу тилда шахс оти ясалишида گر *-gar* суффикси ўрнига бошқа ясовчилар, хусусан, феълий яримаффикслардан кенг фойдаланилмоқда. Форс тилида گر *-gar* суффикси термин ясалишида маҳсулдор: техник қурилма, фаолият тури ва илмий-техник жараён номларини ясайди. Бироқ дарий тилида бу ўринда техник асбоб номлари کار *-kâr* суффикси ёрдамида ясалмоқда.

4. چی *-čī* суффикси ҳозирги дарий ва форс тилларида каммаҳсул; унинг иштирокидаги ясалмаларнинг аксарияти қадимий лексика бўлишига қарамай, ўнлаб сўзлар хануз фаол қўлланмоқда. Бугунги кунда ҳар иккала тилда چی *-čī* суффикси ёрдамида сўз ясалиш асоси ўзлашма, айниқса, европача ўзлашмалардан янги сўз ясалмоқда.

5. Дарий тили шахс оти ясалишида *والا -wâlâ* суффикси маҳсулдор ясовчи; дарий тилига ҳиндий тилидан (пашту тили орқали) ўзлашган бўлиб, форс (шунингдек, тожик) тилида учрамайди. Дарий сўзлашув тилига хослиги қайд қилинса-да, бадий асарларда кўплаб кузатилади.

6. *اسم مصدر esm-e masdar* ‘ҳаракат номи’ ясалишида *ش -eš* суффикси маҳсулдорлик даражасининг пасайиши кузатилади. *ش -eš* суффикси содда феълнинг ХЗНга кўшилади. Дарий тили феъл системаси эса феълларнинг нисбатан кам миқдори билан характерланади: бадий услубда 300 га яқин, сўзлашув услубида эса қарийб 150 та феъл фаол қўлланилади. *ش -eš* суффикси иштирокида сўз ясалиши учун сўз ясалиш асоси (содда феълларнинг чегаралангани) ва сўз ясовчи (*ش -eš* суффиксли ясалмаларда феълнинг ўтимли-ўтимсизлик маъноси аниқ ифодаланмаслиги) билан боғлиқ имконий чекланиш *نده -enda* суффиксининг фаоллашувига йўл очади.

7. *نده -enda* суффиксли ХЗСнинг феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи, шу ҳаракатга тортилувчи шахсни ифодалаш хусусияти унинг маҳсулдорлик даражасини белгилайди. Ясалмалар таржима луғатларида қайд қилинмаса-да, нутқ жараёнида уларнинг ясалиш имконияти чексиз. Бироқ унинг содда феъллар негизидан сўз ясаши сўз ясалиш асоси билан боғлиқ имконий чекланишини кўрсатади (чунки содда феълларнинг миқдори чегараланган).

8. Дарий (шунингдек, форс) тилида феълий яримаффикслар аффиксал сўз ясалиши заифлашган нукталарда уларнинг ўрнини эгаллаган. Бу ҳодиса: а) тилда аниқликка интилиш талаби билан (яримаффикслар аффиксга нисбатан ўз маъносини аниқроқ сақлаб қолган) ва б) тил воситаларини тежаш мақсадида (отлашган инфинитивлар ва сўз бирикмалари ўрнида ишлатилади) юзага келган. Яримаффиксация усулининг маҳсулдорлиги деярли барча феълларнинг ХЗН сўз ясада иштирок эта олиши билан белгиланади. Феълий яримаффикслар вазифасининг кенгайишида фаолиятнинг барча соҳаларида юз берган ўзгаришлар, фан-техниканинг шиддат билан ўсиши ва ижтимоий онгда кечган силжишлар асосий омил бўлган. Иш-ҳаракат бажарувчисини билдирувчи ясалма бирликларнинг асбоб-қурол номларига кўчиши тилнинг янги эҳтиёжларини қондиришда яримаффиксларнинг сўз ясаш имконияти юқорилигини билдиради. Бироқ дарий тили яримаффиксал сўз ясалишида қисқартирилган моделнинг юзага келиши форс тилида кузатилмайди.

9. Дарий тили луғат таркибининг янги-янги бирликлар билан тўлиб, бойиб боришида *یای نسبت -i* суффиксининг алоҳида ўрни бор: у чексиз валентликка эга ва бу сифатларга хос категориал маъно билан изоҳланади. Ҳозирги дарий тилида *ی -i* суффиксининг функция доираси янада кенгайган: унинг шахс оти вазифасида қўлланилиши фаоллашган. *ی -i* суффиксининг фонетик варианты *وی -wi* нинг дарий ва форс тилларида қўлланилишидаги тафовутлар сақланиб қолган. Дарий тилида *وی -wi* формантининг форс тилидан фарқли сўз ясаш имконияти мавжуд.

10. Дарий тилида, форс тилидан фарқли ўлароқ *ک -ak* кичрайтиш суффиксининг фонетик варианты – *گک -gak* суффикси мустақил ва сермахсул

сўз ясовчига айланган: нарса-буюм ва ҳолат-ҳаракат отлари, шунингдек, шахсга оид белгини билдирувчи сўзлар (сифат, бироқ шахс белгиси учун қўллангани сабабли от вазифасида келади) ясайди. Ясалмалар – нарса-буюм отлари кўпинча терминологик лексикага эгалиги билан характерланади. Омоним ясалмаларнинг юзага келиши $\text{ك} / \text{گ} -ak/-gak$ суффиксининг маъно (вазифа)лари ёки ҳам сўз ўзгартувчилик, ҳам сўз ясовчилик хусусияти билан изоҳланади; баъзан сўз ясалиш асоси вазифасида қўлланган сўзнинг кўп маъноли бўлишига боғлиқ.

11. Тилдаги шаклий тенг аффиксларнинг умумий сони, омонимик қаторларни аниқ белгилаш, омонимик уялар рўйхатини тузиш лексикографик ишлар учун зарур. Дарий тилидаги 40 та омоним морфема таҳлил қилинди ва улар 15 та омоқаторга бирлаштирилди. 15 та омоқаторни уларда иштирок этган аффиксларнинг сонига кўра гуруҳлаганда, дарий тилида омонимик муносабатнинг иккитадан бештагача морфема ўртасида бўлиши аниқланди.

12. Дарий тилида феъл шакллариининг отлашуви транспозициянинг хусусий модели бўлиб, ҳам от сўз туркуми, ҳам феъл системасининг ривожига муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги дарий тилида феълларнинг ЎЗН уларнинг ХЗНга нисбатан кўпроқ отлашган. Луғат таркибининг бойиб боришида ЎЗСларининг от туркумига ўтиши алоҳида эътиборга молик. Аксарият ҳолларда ЎЗСлари отлашув натижасида янги лексик маъно касб этган. Отлашган ЎЗСлари отга хос категорияларни қабул қилади. Ҳозирги дарий тилида деярли барча ХЗСлари от ва сифат сўз туркумларига кўчган ҳисобланади. КЗСлари ҳам бир сўз туркумидан бошқасига ўтиши мумкин ва бу ҳодиса асосан функционал жиҳатдан амалга ошади.

13. Дарий ва форс тиллари сўз ясалишида:

сўз ясовчи аффикс бир вақтнинг ўзида категориал белги вазифасини ҳам бажаради;

транспозициянинг *от→феъл, сифат→феъл, феъл→от, от→сифат, сифат→от, сифат→равиш, сифатдош→от, сифатдош→сифат, феъл ёки сўз шакли→модал сўз, от→олд кўмакчи* каби моделларидан отлашиш – субстантивация етакчилик қилади.

14. Дарий ва форс тиллари ўзаро муносабатида келгусида айрим жиддий муаммоларнинг сақланиб қолиши аниқ; бу тиллар асосий луғат бойлигининг муштараклиги, дарий адабий тили меъёрининг афғон зиёлилари томонидан умумэътироф қилинишидаги зиддиятлар, форс тилида сўзлашувчилар сонининг кўплиги, эрон матбуот базасининг юқори даражада ривожланганлиги, Афғонистонда эрон даврий ва даврий бўлмаган нашрларнинг кенг тарқалгани, Эрон таълим муассасаларида таҳсил олган афғон ёшлари ёки Эрондаги афғон муҳожирларининг Афғонистондаги фаолияти ва ниҳоят, афғон зиёлилари орасида ҳозирги форс тилининг катта нуфузи дарий тилига ўз таъсирини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

АЛИМОВА ХОЛИДА ЗИКРИЛЛАЕВНА

**ВНУТРИЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
СЛОВООБРАЗОВАНИЯ В ЯЗЫКЕ ДАРИ**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Fil33.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashgiv.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Куранбеков Ахмадкул
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дадабоев Хамидулла Арипович
доктор филологических наук, профессор

Хамроев Жумакул
доктор филологических наук, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН УЗР

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрированной за № ____). (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2019 года.

(Протокол реестра рассылки за № ____ от « ____ » _____ 2019 года).

А.М. Маннонов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор филол.наук, профессор

К.П. Садиков

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор филол.наук, профессор

А.Э. Маматов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом языкознании особое внимание в изучении основных источников развития (пополнения) словарного состава любого языка уделяется исследованию вопроса словообразования на основе внутренних возможностей, закономерностей развития языка и вопросу заимствований из других языков. Оба эти явления, являясь одними из сложных языковых процессов, обусловлены необходимостью и потребностями, в которых задействованы различные лингвистические и экстралингвистические факторы. В связи с чем каждый аспект словообразовательного процесса обладает отличительными особенностями в общей языковой системе.

В мировом языкознании язык дари не достаточно широко изучен, как персидский и таджикский языки¹. В иранистике в научном описании данного языка отмечаются, в основном, его отличия от современного персидского языка. В области словообразования в языке дари особое внимание уделяется аффиксальному словообразованию частей речи. В последние годы в языке дари стало заметным его всестороннее развитие, где с течением времени произошли ощутимые изменения во всех его областях. И в связи с этим все большую значимость приобретает изучение вопросов путей формирования, развития и совершенствования языка дари, обоснования причин, закономерностей и возможностей данного процесса, а также определения принципов словообразования. Это, в свою очередь, указывает на необходимость проведения отдельного исследования языка дари непосредственно на основе его собственных материалов.

Несмотря на то, что в настоящее время в узбекском языкознании существуют определенные научные работы по языку дари², тем не менее, сказывается отсутствие фундаментальных исследований в области словообразования исследуемого языка. Все это определяет актуальность изучения выбранной темы в монографическом плане, исследования и четкого разграничения схожих и отличительных аспектов словообразовательных процессов в дари и персидском языках. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан постановка вопроса «... стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»³ как приоритетных направлений выводит исследования в области языкознания на новый этап развития. И в этом отношении определение принципов развития лексики современного языка дари в рамках генетически родственных языков приобретает особо важное значение.

¹ Существует традиция общего описания персидского, дари и таджикского языков, а также «индийско-персидского» как территориальных вариантов одного и того же языка. См. подробнее: Островский Б.Я. Модальные глаголы языка дари. – М.: Ключ-С, 2008. – С. 6.

² Уралов Х.У. Научно-техническая терминология современного языка дари. – Ташкент: Фан, 1990. – 102 с.; Алимова Х. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол.фан.номз. ... дис. – Тошкент, 2005. – 138 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. – № 28 (6722).

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отраженных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года, № ПП-4358 «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах» от 17 июня 2019 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Пути формирования системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и просветительском развитии информационного общества и демократического государства и их воплощения».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научные исследования в области словообразования в языке дари проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Georgetown University (США), University of Oxford (Великобритания), Delhi University (Индия), Институте стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Институте востоковедения РАН, Санкт-Петербургском государственном университете, Военном университете Министерства обороны РФ (Россия), Донишгоҳи миллии Тоҷикистон, Донишгоҳи Славянии Россия ва Тоҷикистон (Таджикистан), پوهنتون کابل (Афганистан), دانشگاه تهران (Иран), Ташкентском государственном институте востоковедения (Узбекистан) и др.

В результате научных исследований в области словообразования в языке дари был получен целый ряд научных выводов, в частности: были обоснованы различия словообразовательных суффиксов языка дари от персидского и таджикского языков (Институт востоковедения РАН, Донишгоҳи миллии Тоҷикистон), доказаны источники заимствования слов при образовании терминов в языке дари, выявлены схожие и отличительные аспекты технической терминологии в языке дари, персидском и таджикском языках (Институт стран Азии и Африки Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова, Донишгоҳи миллии Тоҷикистон), на примере научно-технической, военной и военно-технической терминологии аргументированы вопросы заимствований и их адаптации в словарном составе

⁴ Обзор международных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: <http://www.dissercat.com>, <http://www.persianlanguageonline.com>, <http://www.cyberlinka.com>, <http://www.lonweb.org>link-persian>, <https://afghan-institute.org>, <http://www.eunpack.eu/about-us/participants/afghanistan-research-and-evaluation-unit-areu>, <http://scopus.com>, <http://www.sciencedirect.com>pii>pdf>, <http://www.linguistics-journal.com>a-c>, <http://searchworks.stanford.edu>view>, <http://diss.rsl.ru>, www.persianacademy.ir

языка дари (Военный университет Министерства обороны РФ), раскрыты категориальные значения словообразовательных суффиксов существительных в языке дари (پوهنتون کابل), обоснован вопрос продуктивности / непродуктивности словообразовательных суффиксов в современном персидском языке (دانشگاه تهران), доказаны высокая продуктивность способов полуаффиксации, композиции, лексикализации в словообразовании соматизмов языка дари и раскрыт семантический сдвиг в производных единицах (Ташкентский государственный институт востоковедения).

В настоящее время в мировом языкознании осуществляется целый ряд исследований в области словообразования, в частности, по таким приоритетным направлениям, как сравнительное изучение вопроса возникновения и становления научной терминологии в дари на основе источников на *fārsi-ye dāri*, персидском и таджикском языках; выявление общности и различий в системе словообразования в дари, персидском и таджикском языках; изучение формирования и взаимовлияния технической терминологии современного дари, персидского и таджикского языков; научное обоснование роли заимствований в словообразовании указанных языков; определение влияния деятельности Иранской Академии персидского языка и литературы на терминологию дари и таджикского языков; составление толковых словарей языка дари.

Степень изученности проблемы. Язык дари⁵ (*dar(r)i*), который известен в научной литературе также под названиями «фарси»⁶, «фарси-кабули»⁷, «*Kābulī Persian*»⁸) является родственным современному персидскому и таджикскому языкам с точки зрения строя языка – их генезис и наиболее важные этапы исторического развития полностью совпадают, а главнейшие памятники их письменности являются общими⁹. В 30-50-е года прошлого столетия в ряде работ были впервые отмечены отличия дари от современного персидского языка и его сходные аспекты с таджикским¹⁰. Исследование лексики языка дари началось в Афганистане в 60-е годы. До этого язык дари и персидский рассматривались как национальные варианты, а разница между ними квалифицировалась как результат «неграмотности» афганских авторов¹¹. В прошлом в системе образования Афганистана пользовались грамматиками и учебниками персидского языка, изданными в Иране. В 1965 году были подготовлены авторитетные издания

⁵ *Подробные сведения о языке дари*: Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 3-11; Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 10-20; Мошкало В.В. Дари язык // Языки мира. Иранские языки. I. Юго-западные иранские языки. – М.: Индрик, 1997. – С. 121-123; Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. – М.: Гуманитарий, 2004. – С. 3-8.

⁶ Фархади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 4.

⁷ Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – С. 6; Эдельман Д.И. Категории времени и вида. Категория наклонения // Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Том 2. – М., 1975. – С. 337-450.

⁸ Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-123.

⁹ Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 10.

¹⁰ Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-123; Lazard Gilbert. Caractères distinctifs de la langue tadjik. – BSL, t. 52, fascic I. – Paris, 1956. – P. 117-186; Дорофеева Л.Н. О языке фарси Афганистана // Краткие сообщения ИВ АН СССР. Т.33. – М., 1959. – С. 114-127.

¹¹ Farhādi Abd-ol-Ghāfur. Le Person parlé en Afghanistan Grammaire du Kabōli, accompagnée d'un recueil de quatrains populaires de la region de Kabōl. – Paris, 1955.

«فونیم شناسی دری»¹² и «Введение в изучение грамматики»¹³ («Фонемика языка дари»)¹³ Мухаммад Рахим Ильхама, основанные на материале языка дари. В 1969 году вышла в свет книга Мухаммад Насим Негхат Саиди «دستور معاصر زبان دری» («Грамматика современного языка дари»)¹⁴, которая стала первым важным этапом в изучении языка дари не только в Афганистане, но и за рубежом. Здесь в качестве объекта исследования были выбраны не язык классической поэзии, а современный литературно-письменный и разговорный язык дари, примерами для которых послужили образцы современной прозы на дари, материалы афганской прессы и радио. Подобный реалистический подход к языку стал поворотным этапом в афганском языкознании. В целом, исследование М.Н. Негхата Саиди затрагивает ряд аспектов грамматического строя дари, в частности, синтаксиса, глагольных форм и системы словообразования.

60-90-е годы XX века в России ознаменовались изучением языка дари (кабули) в теоретическом плане. Исследования включают в себя такие научные труды, как монография и научные статьи Л.Н. Дорофеевой (Киселевой)¹⁵, фонология и морфология Б.Я. Островского¹⁶, система гласных в кабули Т.Н. Пахалиной¹⁷, фонетика языка дари К.И. Полякова¹⁸, лексикология и фразеология языка дари А.Ф. Барышников¹⁹, исследования по грамматическому строю языка дари В.И. Миколайчика²⁰ и др.

В период бывшего Союза были осуществлены исследования по таким направлениям, как образование терминов путем усвоения заимствований в языке дари Х. Хашимбекова²¹; пути пополнения словарного состава языка дари, формирование терминологии, закономерности процесса заимствования в трудах узбекских ученых Х.У. Уралова²², А.З. Шакирова²³. Также следует

¹² الهام محمد رحيم. مقدمه یی بر دستور زبان. — کابل، ۱۳۴۴. — ۷۳ ص.

¹³ الهام محمد رحيم. فونیم شناسی دری. — کابل، ۱۳۴۴. — ۷۳ ص.

¹⁴ محمد نسیم نځهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. — کابل، ۱۹۶۹. — ۲۵۶ ص.

¹⁵ Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. — М.: Изд-во восточной литературы, 1960. — 84 с.; Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. — М.: Наука, 1973. — 152 с.; Основные черты развития языка дари в современном Афганистане. — М., 1975; К вопросу о двуязычии пашто-дари в Афганистане // Народы Азии и Африки. — М., 1982, № 6; Язык дари Афганистана. — М.: Наука, 1985. — 128 с.

